

27 ОКТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МУДОФАА ВАЗИРИ ҲУЛУСИ АКАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.



НУҚУ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 29-ОКТАБР, №43 (1240)

МАҚСАД – ХАЛҚ РОЗИЛИГИ

Бугун одамлар билан мулоқот қилиб, уларни ўйлантираётган муаммоларга ечим топиш, фуқароларимизга муносиб турмуш шaroити яратишга доир саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Зеро, бу дунёда инсонлар дарду ташвиши билан яшаш — одамлиликнинг энг олий мезони.

Жорий йилнинг 26-27 октябр кунлари Сирдарё вилоятида ўтказилган сайёр қабулларда Бош прокурор ўринбосари Светлана Артикова жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тинглади. Бу жараёнда 159 нафар фуқаро қабул қилиниб, уларнинг муаммолари ўрганилди.

Келиб тушган мурожаатларнинг 108 таси ёки 68 фоизи ўз жойида ижобий ҳал этилиб қаноатлантирилди.

Хусусан, фуқаро Д.Трофимов ва З.Хўжакулованинг уй-жой билан таъминлашда амалий ёрдам бериш ҳақида-

ги мурожаати ўрганилиб, Ховос тумани ҳокимининг қарори билан тумандаги “Бунёдкор” МФЙдан кўп қаватли уйлардан ажратилиши таъминланди.

Шунингдек, фуқаро К.Бўрибоев ва Қ.Юляхшиевнинг фермер хўжалиги ер майдонлари асоссиз олиб қўйилганлигидан норози бўлиб йўллаган мурожаати ўрганилиб, Ховос тумани ҳокими қарорига протест келтирилиб, ер майдони қайтариб олиб берилди.

Бундан ташқари, фуқаро Р.Каримовга пахта терими пули олиб берилиши, фуқа-



ро З.Петрукнинг уй-жойи олиб берилиши ва уйга киритиб қўйилиши, фуқаро Д.Каримованинг фарзандига тутилганлик ҳақида гувоҳнома олиб берилиб, МТМга жойлаштирилиши таъминланди.

Мурожаатларни кўриб чиқишда узок вақтдан буён ечимини топмаётган муаммоларни ҳал этишга, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари тикланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



11 468
ГЕКТАР ЕР
ЎЗБОШИМЧАЛИК
БИЛАН ЭГАЛЛАБ
ОЛИНГАН.

4-БЕТ



**ЖУФТИНИ
ПУЛЛАГАН
ЖУВОН...**

12-БЕТ

ИШЛАМАЙДИГАН НОРМАЛАР

ТИЛ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ БУЗИЛИШИГА ШАРОИТ ЯРАТГАН



Тилимизнинг мавқеини оширишга ҳаракат қилинаётган бир паллада она тилимизга нисбатан ҳурматсизлик ҳамда “Давлат тили ҳақида”ги қонун ва соҳага оид бошқа ҳужжатлар ижросида тизимли камчилик ва муаммолар борлиги ҳам

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўзбек тилининг нуфузини тубдан оширишга қаратилган чоралар кўрилди. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ўзбек тилини ривожлантириш бўйича стратегик режалар белгилаб берилди. Жорий йил 21 октябр кунини илк бор мамлакатимизда Ўзбек тили байрами кунини нишонланди. Албатта, бу барчамизга фахру ифтихор бағишлади.

айни ҳақиқат. Бу борада прокуратура органлари томонидан ўрганишлар олиб борилганида давлат бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа идоралар фаолиятида давлат тили ҳақидаги қонун талаблари бузилган 15 мингдан ортиқ ҳолат аниқланди.

Қонун бузилишлар асосан иш ҳужжатларини давлат тилида юритмаслик (6840 та), имло қоидаларини

бузиш (4841), ички ҳужжатларни тил қоидаларига риоя қилмасдан қабул қилиш (1449), ташқи ахборот матнлари (945) ҳамда муҳр ва тамгалардан давлат тилида фойдаланмаслик (150), географик объектларни номлаш тартибини бузиш (155) каби кўринишларда содир этилган.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 31 йил бўлган бўлса-да, ҳануз иш ҳужжатларини рус тилида юри-

тиш ҳолатларига чек қўйилмаган. Қонун талабига кўра ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилиши лозим бўлса-да, ҳозир давлат бюджетидан молиялаштириладиган вазирлик ва идораларда бухгалтерия ва ҳисоб-китоб ишлари «УзАСБО» электрон дастури орқали тўлиқ рус тилида юритилмоқда.

Давоми 3-бетда



2020 йил 28 октябр
соат 17:00 ҳолатига




Касалланганлар
66 141 нафар



Соғайганлар
63 323 нафар



Вафот этганлар
558 нафар



МЎЙНОҚДА ЯНГИ МУАССАСА

Яқинда Бош прокуратуранинг Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини ривожлантиришда қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси ташаббуси билан ҳудудда 75 ўринга мўлжалланган, замонавий типдаги мактабгача таълим муассасаси биноси қурилиши якунига етди.



Жорий йил 12 октябрь куни ушбу муассасанинг очилиш маросими бўлиб, унда Мўйноқ туманини ривожлантиришда қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси бошлиғи Б.Наўризбаев, Мактабгача таълим вазири Ж.Ус-

натдинова ва бошқалар иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, ташкил этилган МТТнинг қурилиш ишларига давлат томонидан 4,6 млрд. сўм маблағ ажратилди. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан эса муассасани жиҳозлар билан таъминлаш учун 295 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Қурилиш тамомланиб фойдаланишга топширилган 15-сон мактабгача таълим ташкилотиди фарзандларимиз учун барча имкониятлар яратилган. Шу йилнинг 15 октябрь санасидан бошлаб муассаса вақтинчалик санитария-гигиена талабларга риоя қилган ҳолда ўз иш фаолиятини бошлади. Энг асосийси, ушбу муассасага ҳудуддаги 75 нафар бола камраб олинди.

Азат ҚИПШАКБАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

FAOLIYAT

ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Фарғона вилоятининг чекка ҳудуди — Бешариқ туманида ҳам ижтимоий-иқтисодий муаммолар атрофлича ўрганилиб ҳал этилмоқда. 2-сектордаги хонадонларнинг 1471 тасига кирилиб, турмуш шароитлари ўрганилди. Уларда мавжуд 218 та муаммодан 151 таси ҳал этилди.

Электр энергияси таъминоти коникарсиз бўлиб келган “Шайтонқўл” МФЙда 41 та темирбетон таянч устунлар ўрнатилиб, 1,7 км. шифровод кабеллари тортилди. 1 донга қўшимча трансформатор ўрнатиш орқали 80 та хонадоннинг электр энергияси таъминоти яхшиланди. Махалладан ўтган автомобиль йўлининг 712 метр қисми жорий таъмирланиб, асфальт ётқизилди. “Телов” МФЙдаги Қурқа қишлоғига 2 донга трансформатор, 44 та темирбетон таянч устунлари ўрнатилиб, тармоқдаги узилишлар бартараф қилинди. “Дехқонobod” МФЙдаги 250 та хонадонни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш учун 1 та трансформатор ўрнатилади.

Ичимлик суви билан боғлиқ муаммолари бўлган “Навбахор” МФЙдаги эскирган сув қудугига сув насоси ўрнатилиб, 50 та

хонадон ичимлик суви билан таъминланди. Шунингдек, ирригация-мелиорация муаммолари ҳал этилмоқда.

Эхтиёжманд оилаларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Сектор аъзолари томонидан ҳомийлар ва тегишли ташкилотлар ёрдамида барча 504 та эхтиёжманд оиллага озиқ-овқат маҳсулотлари, 288 та оиллага 143 млн. сўм нақд пул, 14 та оиллага дори-дармон, 9 та оиллага 21 бош қўй, 2 та оиллага қорамол етказиб берилди. 48 та оиллага иссиқхона қуриш учун 135 млн. 200 минг сўм субсидия ажратилди. “Янги ҳаёт” МФЙда яшовчи чеварликка хавасманд З.Ғоиповага замонавий тикув машинаси топширилди. “Намуна” МФЙда яшовчи, “Темир дафтар”да рўйхатда турувчи Д.Ҳамдамовага 3 хонали, “Сойлаби” МФЙда яшовчи Х.Султоновага 2 хонали уй-жой қуриб берилмоқда.

Шунингдек, “Телов” МФЙда яшовчи М.Эргашев, “Янги ҳаёт” МФЙда яшовчи М.Сирождиновларнинг 3 хонали уйлари тўлиқ таъмирланмоқда.

Сектор ҳудудида эхтиёжманд оилалардаги банд бўлмаган фуқаролар ишга жойлаштирилмоқда. 164 нафар фуқаро иш ҳақи тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Бандликни таъминлаш, оилавий тадбиркорликка жалб этиш тадбирлари натижасида кам таъминланган оилалар доимий даромад манбаига эга бўлишмоқда. Хужжатлари халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқиш учун тақдим этилган 238 та оила сессия қарорига кўра эхтиёжмандлар рўйхатидан чиқарилди.

Сектор ҳудудида биринчи навбатда “Темир дафтар”га киритилган эхтиёжманд оилаларнинг яшаш шароитини яхшилаш ва уларнинг даромадини ошириш, банд бўлмаган хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш борасида тизимли иш олиб борилмоқда.

Музаффар ЭГАМОВ,
Бешариқ тумани прокурори

ХАЙРЛИ ҚЎЛ ҚАЙРИЛМАС

Ғамхўрлик ва хайру саховат кўрсатиш халқимизга хос азалий қадриятлардан ҳисобланади. Айниқса, ўқисик дилларни шод этиш савоб ишлар ичида энг улуғи экани ҳеч биримизга сир эмас.

Юртимизда ана шундай хайрли ишлар доимий равишда амалга ошириб келинмоқда. Шундай эзгу ишлар катори Тошкент ҳарбий прокурорининг ташаббуси билан Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳридаги 11-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабга ташриф буюрилиб, ўқувчиларга ўқув қуроллари ва эсдалик совғалари топширилди. Болажонлар билан уюштирилган қизгин суҳбатлар уларнинг ўйин-қулғулари билан уйғунлашиб, беғубор қалбларни бир олам шодликка тўлдирди.

Тадбирдан сўнг мактабнинг қиш мавсумига шайлиги аҳволи ўрганилиб, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш юзасидан амалий чоралар кўрилди.

Шоилхон ШОАКБАРОВ,
Тошкент ҳарбий прокуратураси терговчиси

ҲАРБИЙ ҚИСМДА БИР КУН

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия полковниги Баҳодир Худойбердиев иштирокида Қарши шаҳридаги Олий ҳарбий авиация билим юртида ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаган уюшмаган ёшлар билан “Ҳарбий қисмда бир кун” шиори остида учрашув ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилояти Кенгаши, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари кўмондонлиги ва вилоят ички ишлар бошқармаси маъсул ходимлари қатнашди.

Очик мулоқотда Б.Худойбердиев томонидан ҳар бир ёш иштирокчи билан алоҳида суҳбат ўтказилиб, эртаминг эгаларига яратилган имконият ва имтиёзлар мазмун-моҳияти тушунтирилди. Уларнинг қизиқишлари ва муаммолари ўрганилиб, қонунга итоаткор шахс сифатида тўғри йўлдан адасмасликлари, эзгу мақсад йўлидан огишмай ватанга фидокорона хизмат қилишлари борасида йўл-йўриқлар кўрсатилди. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва жамиятда ўз ўрнини топишларига амалий кўмаклашиш юзасидан маъсулларга тегишли тавсиялар берилди.

Шундан сўнг, ёшлар ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти, кун тартиби, жанговар ва тактик машғулотлардаги иштирокчини беvosита кузатишди, маънавий ва жисмоний салоҳият акс этган ҳарбийлик касби нақадар шарафли эканлигининг гувоҳи бўлишди. Учрашув ёшларда катта таассурот қолдирди.

Жаҳонгир АШУРОВ,
Қарши ҳарбий прокурори

ТАНИШУВ ДАВОМИДА ИШЛИ БЎЛИШДИ

Прокуратура органлари томонидан ёшлар ҳамда оғир ижтимоий муҳитга тушиб қолган хотин-қизлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Самарқанд шаҳар прокуратураси, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамда халқ таълими бўлими ва бошқа мутасадди ташкилотлар иштирокида 23 октябрь куни мактаб ва коллежни битирган 71 нафар иш-



маётган қизлар иш бевуҷчи томонидан ишчи-ҳодимларга яратилган шароитлар билан таништириш мақсадида шаҳардаги “Afrosiyob Jeans” МЧЖ ҚКга таклиф қилинди. Корхона раҳбарияти томонидан ташриф буюрувчилар сехлар фаолияти билан таништирилиб, уларга яратилган шарт-шароит ва ойлик маошлари ҳақида тушунчалар берилди. Шу эрининг ўзида ишга киришни хоҳлаган 31 нафар хотин-қизлар билан меҳнат шартномаси тузилиб, уларнинг бандлиги таъминланди.

Дилмурод САЙИДКУЛОВ,
Самарқанд шаҳар прокурори

ИШЛАМАЙДИГАН НОРМАЛАР

ТИЛ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ БУЗИЛИШИГА ШАРОИТ ЯРАТГАН

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Айрим ҳолатларда иш ҳужжатларини юритишда ўзбек тилининг илмий қоидаларига риоя этилмай, қўллаб имловий ва бошқа ҳатоларга йўл қўйилапти. Бу борадаги 5 мингдан ортиқ қонун бузилишлар асосан халқ таълими, мактабча ва олий таълим муассасалари, бандлик, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа идоралар фаолиятида аниқланган.

Яна бир ҳолат. Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш бўйича раҳбар маслаҳатчиси лавозимига кадрларни танлаш масаласи тўғри ҳал этилмаётгани қонун бузилишларнинг олдини олиш имконини бермапти.

Маслаҳатчи лавозимига устувор равишда филолог (ўзбек тили) ва журналистика мутахассислиги бўйича олий маълумотли шахслар тайинланиши лозим бўлса-да, ҳокимликлардаги маслаҳатчиларнинг 115 нафари бошқа мутахассисликка эга. Масалан, Бухоро вилояти ҳокимлигида қимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳар ҳокимлигида менежер, Чимбойда чизмачилик, Пахтакорда ер усти транспорт тизимлари, Ғаллаоролда муҳандис-курувчи, Зарбдор ва Мирзақўлда муҳандислик-коммуникациялари мутахассиси фаолият юритмоқда.

Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказининг фаолияти лозим даражада йўлга қўйилмасдан, ҳодимларнинг тил бўйича малака оширишига эътиборсизлик билан қаралаётгани юқорида қайд этилган камчиликлар келиб чиқишига сабаб бўл-

моқда. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 мартдаги 117-қарори ижроси таъминланмай, Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказига бино ажратиш масаласи Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳозирга қадар ҳал этилмаган.

Марказнинг ҳудудий бўлиналари, жумладан, Наманган, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилояти бўлиналари ҳам етарли моддий-техник жиҳозлар билан таъминланмаган.

Қонунлардаги айрим коллизиялар ёки амалда ишламайдиغان нормалар тил тўғрисидаги қонун талаблари бузилишига шароит яратган. Хусусан, «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 20-моддасида лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилиши ва эълон қилиниши ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкинлиги белгиланган.

Тилни менсимаслик билан боғлиқ атиги 3 та иш қўрилган.

«Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида эса Ўзбекистон ҳудудида реклама ўзбек тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда тарқатилиши белгиланган.

Бундай ўзаро зид нормалар оқибатида ахборот берувчи матнларда қўллаб қонун бузилишлари учрамоқда. Масалан, Мирзо Улуғбек тумани Юзработ кўчасидаги реклама ва ахборот матнларининг 277 тасида, Мирзо Улуғбек шохкўчасида 77 тасида, Темур Малик кўчасида 91 тасида,

Боғишамол кўчасида 76 тасида реклама ва эълонлар фақат хорижий тилда ёки имловий ҳатолар билан ёзилган.

Ўрганишда Самарқанд вилоятида давлат тили ва имло қоидаларига риоя қилинмаган 5816 та, Андижонда 1483 та, Наманганда 475 та ва Навоийда 300 та эълон ва ёзувлар аниқланиб, алмаштирилиши таъминланди.

Таъкидлаш лозимки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 42-моддаси (Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) диспозициясида асосан таълим олишга тўқнаб қилиш ёки тилни менсимаслик учунгина жавобгарлик белгилангани бу модданинг тўлақонли ишлатилиши чекламоқда. Хусусан, 2018-2019 йиллар ва жорий йилнинг 9 ойида сулларда бу модда билан боғлиқ атиги 3 та иш қўрилган, холос.

Географик объектлар ва фирмаларнинг номланишида қонунчилик талабларига риоя қилинмаган. Хусусан, Қибрайда Вишка ва Лагерний номли тоғ, Бўстонликда Меловой доғони, Поида Королевское олтин кони, Арнасойда Погра-ничний коллектори, Конимехда Песчаное олтин ва Високовольное кумуш конлари, Сарносойда Дрибова сойи каби географик объекларнинг номлари давлат тилида акс эттирилмаган.

Бухоро туманида Патпут, Чирокчида Ҳезалак номли сойлар, Томдида Нарко-номли дўнглик ва Жондорда Лоло номли аҳоли пункти каби қўпол ва тушунарсиз номларни алмаштириш масаласи қўриб чиқилмаган.

Ачинарлиси, айрим фирмаларни номлашда сўзининг асл маъноси тушунимай,

услубий жиҳатдан нотўғри қўлланмоқда. Масалан, фармацевтика ва тиббий йўналишдаги аксарият фирмалар ўз номига инглиз тилидаги «farm» сўзини қўшган («Shamshod farm shifo», «Zebiniso med farm», «Apteka farm» ва б.). Ваҳоланки, ушбу сўз ўзбек тилида «ферма» маъносини билдириб, тиббий соҳага алоқаси йўқ.

Телерадиоканалларда тил қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Жумладан, «Zo'ro», «Mening yurtim», «Sevimli» каби телеканаллардаги «Хонтахта», «Bojalar community», «Борига барака», «Ўзинг тана», «Аристократлар», «Ҳафа бўлиш йўқ», «Бойвачча шоу», «Ситро шоу», «Омад шоу», «Дугоналар шоу» каби дастур бошловчилари доимий равишда адабий тил нормаларига риоя қилмасдан ва хорижий сўзларни қўшган ҳолда кўрсатувларни олиб бормоқда.

Ўрганишлар натижасига кўра прокуратура органлари томонидан қонун бузилишларини бартараф этиш юзасидан 296 та тақдирнома киритилди, 54 киши интизомий жавобгарликка тортилди, 7 нафар мансабдор қонун талабларини бузмаслик ҳақида оголантирилди. Давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари тарғиботи бўйича 533 та тадбир ташкил этилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, тилга эътибор миллатнинг эртанги куни ҳамда бошқа миллатлар олдидagi нуфузини белгилайди. Шунинг учун давлат тили ҳақидаги қонунга сўзсиз риоя қилиш, уни эъзозлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Муроодулла ТУРСУНМЕТОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

МИЛЛАТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ҚУДРАТЛИ ҚАДРИЯТ

Яқинда муҳтарам Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлади. Юсак минбардан янграб, сайёрамиз узра жаранг сочган ўзбекча хитоб нафақат 34 миллиондан зиёд мамлакатимиз аҳолиси, балки дунё бўйлаб тарқаб кетган тўқсон олти уруғ-ли миллатдошларимиз қалбини бирдек фахру ифтихорга тўлдирди.

Олис-яқин юртларда истиколат қилаётган машҳур ватандошлар, улкан обрў эътиборга эга миллатдошлар нуфузли анжумандан сўнг қайноқ таассуротларини, ифтихор туйғуларини ифодаладилар. Ватан қадри ундан олисда бор бўй-баси билан намён бўлгани каби хориждаги ўзбеклар ҳам биздан кўра она тилининг қадрини тейранроқ англасалар ажабмас. Зеро, тил — миллатнинг дунёда мажҳудлигини исботловчи бирламчи омил. У — ўзбекнинг уриб турган юраги, миллатнинг руҳи, минг йиллик тарихи, армонларини улуғ мақсадлари ифодаси.

«СЎЗ СЎЗЛАШДА УЗОҚ АНДИША КЕРАК...»

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига қуни кеча 31 йил тўлди. Аммо тилимиз билан боғлиқ долзарб муаммолар оз эмас. Айниқса, замонавий технологиялар ривожланиб бориши билан ижтимоий тармоқлардаги муомала-муносабатларда бу ҳол жуда аянчили тус олмақда. Оғрикли савол туғилади: адабий тил меъё-ларига амал қилиниши шарт бўлган ўринларда шева унсурларидан фойдаланаётганлар, алмоий-жалмоий «ашулар» тўқийтганлар, тушунарсиз ном-

лар ўйлаб топиб бинолар пештоқиқа қистираётганлар она тилимизга нақадар ҳурматсизлик қилишаётганини қачон англаб етишади? Оммавий ахборот воситаларида кўп учрайди «қолип боралар», фикрни «чай-нў» ўқувчию томошабинга озор етказишдан қай йўл билан қутулиш мумкин? Давлат тилига муносабат борасидаги бош-бошоқликлар қачон барҳам топади? Айни ҳусусда мутахассислар фикрлари билан қизиқ-дик.

— Тил — миллатни бирлаштирувчи қудратга эга қадрият, — дейди филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Карим. — Адабий тил қоидаларига, имлога қанча риоя этсак тилимиз шунча тарраққий этади. Абдулла Қодирий тошкентлик бўла туриб, ўз романларида маҳаллий шева унсурларини умуман қўлмаган. Ҳатто қаҳрамонларининг нутқини индивидуаллаштиришда ҳам бошқа бадий воситалардан фойдаланган. Демак, адаб шу зайдла маҳорат билан ўзбек тилининг бойлигини, ўзбек тилининг кенг имкониятларини ҳам намойиш қилган. «Ёзувчиларимизга» номли мақоласида «Сўз — қолип, фикр — унинг ичи-га қўйилган ғишт бўлсин», деган

ЎЗБЕК ТИЛИ КАМБАҒАЛ ЭМАС, БАЛКИ ЎЗБЕК ТИЛИНИ КАМБАҒАЛ ДЕГУВЧИЛАРНИНГ ЎЗИ КАМБАҒАЛ. УЛАР ЎЗ НОДОНЛИКЛАРИНИ ТИЛГА ТўНКАМАСИНЛАР.

Абдулла Қодирий.



маслаҳатни беради. Сўнгра айнан сўз сўйлаш ҳусусида қуйидаги эътиборга молик фикрларни баён қилади: «Сўз сўйлашда ва улардан жумлалар тузишда узоқ андиша керак. Ёзувчининг ўзига тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асли ёзувчилик айтмоқчи бўлган фикрларни ҳаммага баробар англада билишда, орага англаш-илмовчилик солмасликдир. Бундан ташқари, фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин бермаслиги лозим». Бу маслаҳатлар эскирмайдиган ҳақиқатлардир.

БРЕНДОЛОГИЯ, НЕЙМИНГ БИЗГА НИМА УЧУН КЕРАК?

«Адабий тил истикболи учун қандай қайғурай? Ахир, мен шоирмасман. Ёзувчи ё тилшуносликдан йироқман», дейдиган одамлар орамызда оз эмас. Афсуски, бундай фикрлар билан она тили тараққиётида бирор натижага эришиб бўлмайди. Чунки она тилини асраш учун

ҳеч бўлмаганда барча зиёлилар бирдек жавобгарлик туъиши керак. Оддий мисол, бирор тадбиркорнинг хусусий фирмаси ўзбек тилида номланиб, маҳсулоти-га она тилимизга тааллуқли қандайдир ёрлик ёпиштирилса, бу ҳам тил тараққиётига хизмат қилади. Ваҳоланки, айрим тадбиркорлик субъектларининг номларини ўқиб бирор маъни англолмаймиз.

«Умидгрантфарм», «Заринадента», «Codmilk» каби номларда эса ўзбекча, русча ва инглизча сўзлар аралаш-қуралаш қўлланилган. Аммо шу кўриниш юқоридаги тиллардан бирортасининг қоида-сига тўғри келмайди. Хўш, нима учун бундай номлар ёмғирдан кейинги қўзиқориндек боламоқда? Маҳсулот ёки фирма номи учун она тилимизда муносив сўз ёки бирикма топилайдими?

— Дунё тилшунослигида бугун брендология, нейминг каби йўналишлар ишламоқда, бизда эса ҳали бу борада бирор иш қилинмаган, — дейди Алишер На-

войи номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори Абдулҳай Собиров. — Яъни брендларнинг номлари, турли атамалар билан ишлайдиган махсус ҳодимлар ўзбек тилшунослиги учун жуда зарур. Миллий қонунчилигимизда фирма, МЧЖ, очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларига, тегишли ташкилотларга ном танлаш ихтиёрий дейилган. Назаримда, ана шу таъмоийл тилимиз тараққиётига тушув бўлмоқда. Бунини олиб ташлаш вақти келди. Ваҳоланки, бундай номлар содда, тушунарли, миллийликка асосланган, тарихий илдизга эга бўлиши, соҳани ифода-лай олиши лозим.

Университетимизда компьютер лингвистикаси бўйича ҳам жиддий изланишлар олиб боришмоқда. Бу йўналишдаги мутахассислар айнан ижтимоий тармоқларда ўзбек тилининг соғлиги учун курашишади, ўзбекча сўзлар, бирикмаларни киритиб, назорат ўрнатишади.

Бир сўз билан айтганда, тилимизни халқаро миқёсга олиб чиқиш учун ҳали бажарадиган ишларимиз кўп, бунинг учун жаммики зиёлилар курашиши, тил учун ҳолис хизматни фақат тилшуносларга юклаб қўймасдан, барча бир ёқадан бош чиқариши зарур.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
«Нутқ»

Президент Шавкат Мирзиёев 26 ноябрь куни электр энергетикаси корхоналарини трансформация қилиш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Бош прокуратура қонунлар ижросини назорат қилиш ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича қатор ишларни амалга оширмоқда.



ЎЗИБЎЛАРЧИЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

Ер – бебаҳо бойлик. Ундан самарали фойдаланиш керак. Бироқ ҳосилдор ерларимиз айрим шахслар томонидан талон-торож қилинаётган ҳолатлар ҳам бор.

Бош прокуратура аграр ва озиқ-овқат соҳалари ривожлантириш, шу жумладан ер ва сувдан фойдаланишга оид қонунлар ижросини мунтазам назорат қилиб бормоқда. 2020 йилнинг 9 ойида 182 та фермер хўжалигига рўйхатдан ўтиш, банкда ҳисобрақам очиш ҳамда 100,3 млрд. сўм кредит, 13,9 млрд. сўм иш хақи ва 20,6 млрд. сўм нақд пул олишда ёрдам кўрсатилди. Фермерларга 2,6 млрд. сўм қарзини тўлашда ва 97,6 млрд. сўм қарзини ундиришда кўмаклашилди. Шу билан бирга, уларга 52,4 минг гектар ер, 46,3 минг тонна минерал ўғит, 4,4 минг тонна нефть, 607 та техника, 2,6 млрд. сўмлик эҳтиёт қисм, 1931 тонна чигит, 290 тонна уруғлик бугдой ҳамда 2052 кутти ипак куртки, 87 тонна омхта ем берилиши таъминланди. Мисол учун, Навоий вилояти прокуратураси фуқаро Б.Раҳматовнинг мурожаатини ўрганиш жараёнида, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун унга банкдан 700 млн. сўм кредит олишига ёрдам берди.

Пастдарғом туманидаги «Amina invest international» МЧЖ кластери эса 24 та фермернинг 1,2 млрд. сўм имтиёзли кредитини ўз ҳисобрақамига ўтказиб, уларга минерал ўғит етказиб бермаган. Мазкур ҳолат бўйича айбдорларга нисбатан ҳукукий чоралар кўрилди.

Бундан ташқари, баъзи жойларда ерни ноқонуний ажратиш ва ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ҳолатлари аниқланди. Хусусан, мамлакат бўйича 11468 гектар ер ўзбошимчилик билан эгалланиб, 4201 гектар ерда ноқонуний қурилишлар қилинган.

Ерларни ноқонуний эгаллаш бўйича судда қўрилган ишлардан 802 таси рад қилинган ва 2838 таси кўрмасдан қолдирилган бўлса, 762 таси тугатилган. Масалан, Зангиота туманлари иқтисодий судининг ҳал қилув қарорига кўра Тошкент туманидаги «Нигматов Рихсибой агро фэйз» фермер хўжалиги, «Агро ҳамкор экспорт», «Сой бўйи агро» МЧЖлардаги ноқонуний қурилмаларни буздириш ҳақидаги даъволар қурилмалар ихтиёрий бузилган деган ваз билан рад қилинган. Бироқ 2020 йилнинг 22 сентябрь куни ўрганилганда уларнинг бирортаси ҳам бузилмагани аниқланиб, суд қарорларига протест келтирилди.

Яна бир мисол: Пахтакор тумани ҳокимининг Р.Мамаюсовнинг ноқонуний қурилган биноларини буздириш ҳақидаги даъво аризаси судда қўрилаётганда, туман ҳокимлиги ишчи гуруҳи тақдим қилган сохта далолатнома асосида иш тугатилишига эришилган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, айбдорларга ҳукукий чоралар кўрилди.

Айрим ҳолатларда ўзбошимчилик билан эгалланган ерни қайтариш, ноқонуний қурилмаларни бартараф қилиш ҳақидаги суд қарорини бажариш жараёнида ҳам қонун бузилган.

Жумладан, 430 та ижро ҳужжатининг ижроси маҳаллий ҳокимликларнинг ноқонуний ҳатига асосан қайтарилган. Масалан, Зангиота тумани ҳокимининг ўринбосари И.Сайиткуловнинг хати билан фуқаро С.Қўчқоров ва Л.Ҳамидовнинг ўзбошимчилик билан қуриб олган иморатларини буздириш ҳақидаги суд қарорлари қайтариб олинган.

Назорат тадбирларида ўзбошимчилик билан эгалланган 9576 гектар ер захирасига қайтарилиб, 29709 та ноқонуний қурилма бузилди. 23820 та қурилмани буздириш ҳақида судларга даъво аризалари киритилди. Судларнинг ноқонуний ажрим ва ҳал қилув қарорларига нисбатан 122 та протест келтирилиб, бекор қилиниши ва қонунга мувофиқлаштирилиши таъминланди. Ер билан боғлиқ қонунбузилишлар юзасидан 344 нафар мансабдорнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

2018-2019 йиллар ва 2020 йилнинг ўтган даврида ирригация ва мелиорация тадбирлари, шу жумладан сувни тежовчи технологияларни татбиқ этиш учун ажратилган пуллар тўғрисида сарфланиши ўрганилганда 4 млрд. 579 млн. сўмлик бажарилмаган ишлар далолатномаларга қўшиб ёзилгани аниқланди. 1 млрд. 772 млн. сўм пул, 796,6 млн. сўмлик товарлар талон-торож қилинган. 35 та объектда 2 млрд. 66 млн. сўмлик иш сифатсиз бажарилган. Масалан, Бош прокуратура ўтказган текширишда буюртмачи «Бухоро сув қурилиш инвест» ДУК директори ўринбосари Ш.Аҳмедов ва 5 та пулдатчи ташкилот мансабдорлари бажарилмаган ишларни қўшиб ёзиб, 1,3 млрд. сўм пулни талон-торож қилгани маълум бўлди. «Боёвут давсумвахсуспудрат» ва «Сирдарё сув-қурилиш инвест» корхоналари мансабдорлари 2 млрд. сўмлик бажарилмаган ишларни ҳисоботларга қўшиб ёзиб, жуда кўп миқдордаги бюджет пулини ўзлаштирган. Мазкур ҳолатлар бўйича жиноят иши кўзгатилиб, айбдорлар тергов қилинмоқда.

Прокуратура органлари ёрдамида 96 та пахта-тўқимачилик, 152 та мева-сабзавотчилик, 124 та ғаллачилик, 35 та шолчилик кластери, 21 та агрологистика маркази ташкил қилинди. Барча хўжаликларда 12,5 млн. тонна мева-сабзавот етиштиришга эришилди. Аҳоли томорқасидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратилиб, баҳорда 4,5 млн.дан ортиқ томорқага экин экилиши таъминланди.

Республикада сугориладиган ҳар гектар ердан ўртача 57,5 центнер, лалми ердан ўртача 11 центнер ҳосил олиниб, жами 6 млн. 408 минг тонна ғалла етиштирилди. Ғалладан бўшаган майдонларнинг 41,2 минг гектарига картошка экилди, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 7 минг гектарга оширилди.

Хулоса қилиб айтганда, ердан самарали фойдаланиш орқали ҳудудларнинг иқтисодий юксалиши, фуқароларнинг сифати ва арзон озиқ-овқат билан таъминланишига эришиш барчамизнинг бурчимиздир.

Муродилла АБДУХАКИМОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

Маълумки, коронавирус пандемияси шароитида аҳолини арзон, сифатли озиқ-овқат ва дори-дармон билан таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, пандемиянинг иқтисодий таъсирини юмшатиш ҳам энг муҳим масалалардан бирига айланди. Прокуратура органлари бу борада қилаётган ишлар хусусида газетанинг аввалги сонида маълум қилган эдик.

Ҳозир олдимизда турган муҳим вазифалардан яна бири қурилиш соҳасини коррупциясиз соҳага айлантиришдир. Йил бошидан бери Сардоба тошқини оқибатида талофат қўрган 1797 та уйда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланиб, уйлар эгаларига топширилди. Уларнинг сифатли қурилиши ва таъмирланиши назорат қилиниб, ҳар бир ҳудуд учун масъул этиб бириктирилган прокуратура ҳодимлари ҳамда қурилиш назорати инспекцияси мутахассислари томонидан аниқланган 3571 та камчилик бартараф этилди. Ёшларга қулай шароит яратиш мақсадида кутубхона, стадион, 3 та маҳалла гузари, 4 та болалар ва 4 та йўл ҳаракати белгилари майдончаси ишга туширилди.

Мирзаобод, Сардоба ва Оқолтин туманларида талофат қўрган хонадон эгаларига 753 млн. сўмлик 7188 та кўрпача, 7188 та ёстиқ ва 1797 та кўрпа етказиб берилди. Шу билан бирга, кўмакка муҳтож оилаларга ҳомийлар томонидан 56 та тандир, 128 та компьютер, 571 та ёғоч қаравот ва 255 та қорамол олиб берилди. Шунингдек, 481 та хонадонга иссиқхона қурилишида ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, қонунлар ижросини назорат қилишда мамлакат ривожига муҳим аҳамият касб этувчи соҳаларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, иқтисодий соҳадаги қонунчилик ижроси йўналишида ўтказилган 1900 дан ортиқ текширишда 14770 та прокурор назорати ҳужжати қўлланди. Судларга 93,8 млрд. сўмлик 1083 та ариза киритилди. Ўрганишлар натижасига кўра 13726 та, шу жумладан, 2100 та юридик шахснинг бузилган ҳукуқи тикланди. 207 та жиноят иши кўзгатилади.

Қонунларни тарғиб қилиш бўйича 83 мингдан ортиқ тадбир ўтказилди.

Тошқиндан талофат қўрганларга қурилган уйларда 3500 дан ортиқ камчилик аниқланди.

Бошқарма томонидан вазирлик ва идораларнинг 11298 та норматив-ҳукукий ҳужжати, қуйи прокуратураларнинг 1791 та ҳужжати, 440 дан ортиқ текшириш материаллари ҳамда мурожаатлар ўрганиб чиқилди.

2020 йилнинг ўтган даврида 1951 та мурожаат келиб тушган бўлиб, бошқарма томонидан 86 таси ҳал этилган. Қолган 1716 та мурожаат ҳудудий прокуратура органларига, 164 таси Бош прокуратуранинг бошқа тармоқларига, 37 таси эса бошқа муассасаларга юборилган. Ҳал этилган мурожаатларнинг 61 таси фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, 11 таси жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, 5 таси бошқа масалаларга оид бўлиб, қўриб чиқиш натижасига кўра 12 нафар, шу жумладан, 8 та юридик шахснинг бузилган ҳукуқи тикланди. Масалан, «Mustahkam qurilish development» МЧЖ директори 3.Жўраевнинг савдо мажмуаси қуриш учун кредит олишга ёрдам бериш ҳақидаги мурожаати қўриб чиқилиб, «Ўз-санаватқурилишбанк» томонидан МЧЖга йиллик 20 фоиз устама тўлаш шарти билан 30 млрд. сўм кредит ажратилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига йўланган 354 та мурожаат ҳал этилди. Бундан ташқари, Фарғона вилояти прокуратурасининг «Telegram» ижтимоий тармоғидаги «Тадбиркорга кўмак» расмий ахборот канали ва «@prokurorga_murojaatbo» тизимини ишга тушириш бўйича ташаббуси ижобий таъриба сифатида оммалаштирилди.

Шу билан бирга, 10 та вазирлик ва идоралар, уларнинг таркибидаги назорат органлари томонидан прокуратурага текшириш материалларини тақдим этиш тартибининг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Жумладан, 15 сентябрь куни Бош прокуратура билан Молия вазирлиги ўртасида «Молия соҳасида талон-торож ва ўзлаштиришлар, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва бошқа қонунбузилишларнинг олдини олиш, қонунчиликни таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида»ги тартиб жорий этилди.


Долзарб йўналишларда ўтказилган текшириш ва тахсиллар натижасига кўра Президент администрациясига 58 та, Вазирлар Маҳкамаси ва Бош вазирга 39 та ахборот киритилди. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ўрганиш натижасига бўйича соҳа фаолиятини тақомиллаштириш ва аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш ҳақида ахборот киритилди.

Шунингдек, тадбиркорлик, эркин иқтисодий зоналар, инвестиция дастурлари доирасида бюджет ҳисобидан қурилиш ишларини олиб бориш, экспорт ва инвестиция кўрсаткичлари ижроси, бўш биналардан самарали фойдаланиш каби соҳаларни назорат қилиш борасида ҳам иш олиб борилмоқда.

Санжарбек ИСМОИЛОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғининг ўринбосари

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА – ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Юртимизда аҳолининг ҳаётини яхшилаш, ижтимоий ҳимояни кучайтиришга устувор аҳамият берилиб, бу борада салмоқли натижаларга эришилмоқда.



Ҳақиқий мухтожлар қолиб, уруғ-аймоқлар уйли бўлаверган

Бош прокуратура томонидан хотин-қизларга арзон уй-жойлар ажратилиши аҳоли ўрганилди. Аниқланишича, оилавий шаронти тўлиқ ўрганилмасдан, ҳақиқатан мухтож бўлмаган 100 дан ортиқ аёлга уй берилган. Масалан, Наманган туманида 5 нафар 1-гурӯх ногирони бўлган аёл уйга мухтож сифатида рўйхатга олинган бўлса-да, 2-гурӯх ногирони бўлган аёлларга уй ажратилган.

Бугун жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик иллатларидан воз кеча олмаётган айрим масъуллар яратилган имтиёздан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, уйлари ўзларининг қариндошларига ажратган. Хусусан, Наманган туманида 51 нафар мухтож навбат кутиб турганига қарамай туман хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси С.Бозорова ўзига 2 сотихлик 3 хонали уй, шунингдек, онаси Ж.Бозоровани огир вазиятга тушиб қолган оилалар рўйхатига киритиб, унга кўп қаватли уйдан 2 хонали хонадон ажратилишига эришган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратурасининг тақдимномасига асосан туман ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Сидикова ҳамда қўмита мутахассиси С.Бозорова интизомий жазога тортилиб, Ж.Бозоровага ажратилган 2 хонали хонадон 1-гурӯх ногирони Ю.Боқиевага олиб берилди.

Андижон туманида ҳам 5 нафар аёл уйга мухтожлар рўйхатига асоссиз киритилгани аниқланган. Уларнинг ўрнига ҳақиқатан мухтож аёллар рўйхатга киритилиб, туман ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Зокировага нисбатан интизомий жазо қўлланган.

Ўзганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек, айрим ходимлар мухтож-лигидан давлатдан қўмак истаб келган-ларнинг мушкуллини осон қилиш ўрнига

тамағирлик қилишган. Масалан, Шеробод тумани хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Н.Омонов вилоят хотин-қизлар қўмитасида ишловчи танишлари орқали уй масаласини ҳал қилиб бериш эвазига фуқаро Д.Бектошевдан 7 млн. сўм пора олганида ушланган.

Оғир вазиятга тушиб қолган аёлларнинг аризасини рўйхатга олиш журнали тўғри юритилмаган, келган мурожаатлар рўйхатга олинмаган, мурожаатларни кўриб чиқишда аксарият ҳолатларда юқо-

Мухтожлар навбат кутиб турганига қарамай туман хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси уялмай ўзи ва онасининг номига хонадон ажратиб олган.

ридаги низомига риоя этилмаган. Масалан, Нишон туманида 20 та аёлнинг аризаси рўйхатга олинмагани ва ҳудудий комиссия берилмагани аниқланиб, ҳокимлик бош мутахассиси Х.Мамадиева интизомий жавобгарликка тортилган.

Шахрисабз шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги комиссия эса 50 нафар аёлнинг мурожаатини кўриб чиқмасдан рад жавоби берган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Прокуратура органлари аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш юзасидан вилоят ва туман ҳокимликларига 45 та тақдимнома киритган, 9 киши интизомий, 1 киши маъмурий жавобгарликка тортилган. 2 та жиноят иши кўзга тилиб, уй берилиши асоссиз рад этилган 6 нафар аёлга уй ажратилиши таъминланган.

Иш ҳақи ва пенсиялар ундирилди

Прокуратура органлари иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида тўланишини ҳам назорат қилди.

Ҳисобот даврида 46 та ҳолатда 7,7 млрд. сўмдан ортиқ иш ҳақи, нафақалар учун ажратилган бюджет маблағи

талон-торож қилинган аниқланган. Ўзлаштириш борасида Халқ таълими вазирлиги анча фаол бўлган. Масалан, Қўрғонтепа тумани халқ таълими бўлими мансabdорлари мактабларда ишламаган кишилар номига иш ҳақи ҳисоблаб, 498 млн. сўмни талон-торож қилган. Мазкур ҳолат юзасидан айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Шунингдек, ўрганишлар давомида фуқароларнинг иш ҳақини ундириб бериш чоралари кўрилган. Жумладан, прокурорларнинг аралашуви билан 228 кишининг кечиктирилган 803 млн. сўм иш ҳақи, 63 кишининг 31,7 млн. сўм пенсияси ва 16 кишининг 7,6 млн. сўм нафақаси ундириб берилган.

Қонунга зид бўлган 108 та ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилиш ёки қонунга мувофиқлаштириш бўйича протест келтирилган, қонун бузилишларни бартараф этиш юзасидан ваколатли органларга 74 та тақдимнома киритилган, 451 нафар мансabdор интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган. 3989 кишининг бузилган ҳуқуқи тикланган.

Кўзбўямачилик ва талончилик

Бош прокуратура томонидан «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар ижроси ҳам назорат қилинди. Прокуратура органлари 2020 йилнинг 6 ойида 4 мингта яқин иш ўрни кўшиб ёзилганини аниқлаган. Масалан, Қўқон шаҳар аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказида олдиндан ишлаб келган 94 нафар фуқаро янги иш ўринларига жойлаштирилгани ҳақида ҳисоботларга кўшиб ёзилган.

Бундан ташқари, бандликка қўмаклашиш марказлари мансabdорлари талон-торож борасида ҳам уddaбурунлиги кўриниб қолди. Масалан, Учқудук тумани аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази директори вазифасини бажарувчи Э.Эргашев 61,7 млн. сўм пулни талон-торож қилган.

Текширишлар давомида корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринларини яширгани аниқланиб, ижтимоий ҳимояга мухтож 26445 киши ишга жойлаштиришга ёрдам берилди.

Бу борада 351 та текширув ўтказилиб, қонунга зид 4301 та ҳужжат бекор қилинган, 233 та тақдимнома киритилган.

Прокурор қарори ва тақдимномаси асосида 677 нафар мансabdор интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган. 8 та жиноят иши кўзга тилиди.

Давлат ва жамоат манфаатига етказилган 190,5 млн. сўм зарар ундирилди ва фуқароларнинг манфаатини қўзлаб, 2 млрд. 681 млн. сўм ҳақини ундириш юзасидан судларга 1186 та даъво аризаси киритилган. Текширув натижасига кўра 5544 кишининг бузилган ҳуқуқи тикланган.

Бундан ташқари, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, муаммоларини ҳал этиш масалалари назоратга олинган. Бу борадаги ишлар самарасини ошириш юзасидан мутасадди идоралар ва жамоатчилик билан ҳамкорлик кучайтириляпти.

Кимгадир ортиқча, кимгадир оз

Бугуннинг қаҳрамонлари, шубҳасиз, шифокорлардир. Пандемия шаронтида уларнинг зиммасидаги масъулият орди. Табиийки, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ҳам ҳар қачонгидан долзарброқ аҳамиятга эга. Бош прокуратура томонидан коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган ходимларга муқофот пули тўла-ниши ўрганиб борилмоқда. Жумладан, 202039 ходимга 1 трлн. 125 млрд. сўм қўшимча рағбатлантириш тўловидан 130 ходимга 1 млрд. сўм пул нотўғри тўланган.

Ўрганишда 935 ходимга нотўғри тўланган 798,3 млн. сўм бюджетта қайтарилиши таъминланди, қолган суммани қайтариш чораси кўрилмоқда.

Шунингдек, 20358 ходимга 97,1 млрд. сўм қўшимча рағбатлантириш тўлови вақтида тўланмагани аниқланди. Шу жумладан, ойлик маошига ҳар қанлиқ қўшимча тўловдан 1215 ходимга 580,7 млн. сўм, 14 қурилиш фаолияти учун махсус қўшимча рағбатлантириш тўловидан 130 ходимга 1 млрд. сўм пул нотўғри тўланган.

Ўрганишда 935 ходимга нотўғри тўланган 798,3 млн. сўм бюджетта қайтарилиши таъминланди, қолган суммани қайтариш чораси кўрилмоқда.

Умирбек МАДРАХИМОВ,

Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

ТАҲЛИЛ

БОЛАЛАР МЕҲНАТИ МУҲОФЗАСИ

Миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни имплементация қилишнинг бош мақсади инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга йўналтирилгандир.

Бугунги кунда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ асосий ҳужжатларга қўшилди, бола ҳуқуқларини тартибга солувчи юзга яқин меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар мунтазам равишда тақомиллаштирилиб борилмоқда. Зеро, инсон ҳуқуқлари аваламбор бола ҳуқуқларидан бошланади.

Ҳар йили 12 июнь – Бутунжапон болалар меҳнатига қарши курашиш куни ва 20 ноябрь – Бутунжапон болалар куни сифатида кенг нишонланади. Статистик маълумотларга кўра

бугунги кунда дунё бўйича мажбурий меҳнат қурбонларининг 26 фоизини айнан болалар ташкил этади.

Вояга етмаганлар меҳнатидан мажбурий равишда, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш ҳамда вояга етмаганлар меҳнатидан ноқонуний фойдаланиш мажбурий меҳнат ҳисобланади.

Ўзбекистон мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига қарши курашиш борасидаги бир қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилган ва уларнинг

талабларига оғишмай амал қилиб келмоқда. Утган йиллар давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан бирон-бир шаклда фойдаланишнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан фуқароларни мажбурий жамоат ишларига

ноқонуний жалб қилиш ёки ҳар қандай шаклдаги мажбурий меҳнатдан фойдаланишда айбдор бўлган мансabdор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кучайтириш кўрсатилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида 2019 йил 1 апрель куни Брюссель шаҳрида эълон қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоботида Жаҳон банки томонидан Ўзбекистон пахта саноатида болалар ва мажбурий меҳнатдан тизимли фойдаланишга барҳам берилганлиги эътироф этилди.

Шунингдек, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат ҳолатларининг олдини олиш бўйича зарур чора тадбирлар юзасидан 2020 йил 22 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан болалар меҳнатидан зурақи ва мажбурий равишда фойдала-

ниш амалиёти учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддаси санкциясидаги маъмурий жарима миқдори оширилди ҳамда Жиноят кодексига вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш (148-модда) ва меҳнатга маъмурий таразда мажбурлаш (148-модда) жиноятлари учун жавобгарлик белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг ҳар қандай қурилишининг олдини олишга қаратилган миллий қонунчилик тизими халқаро ҳуқуқ принципларига мос ҳолда тақомиллаштирилиб борилмоқда.

Мухсинжон ҒАЙПОВ,

Фарғона вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори

Ички ишлар органлари карантин қоидаларини бузганларни жаримага тортиш ҳуқуқига эга бўлди.

29-ОКТАБР 2020-Ҳ.

ҲУҚУҚ № 48

(1240)

5



Республикаимиз йўлларида транспорт воситаларининг кўпайганлиги, ўз навбатида, ўзига хос масалаларнинг ечимини талаб этмоқда. Айни вақтда барча шаҳар-туман ҳамда вилоятларимизга олиб борадиган йўллар қайта таъмирланиб, транспорт воситалари равион ҳаракатланиши учун бирмунча қулайликлар яратилди. Эндилликда транспорт воситалари ҳаракатланаётган йўлларнинг сифатини янада ошириш борасида кўпгина амалий ишлар олиб бориляпти. Шунингдек, йўловчиларнинг ҳам манзилларига соғ-саломат етиб боришлари, йўлда керакли шарт-шароитларга эга бўлишлари учун йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари томонидан бир қатор ижобий ва аниқ чора-тадбирлар кўриляпти. Аммо бу борада ечим излашга мажбур қилаётган бошқа бир жиддий муаммолар юзага келмоқда.



ФОЖИАЛИ РАҚАМЛАР ҚАЧОН

Кейинги йилларда автомобиль бошқарувига ўтирган хайдовчилар ҳушёрликни унутиб қўйишлари натижасида йўл-транспорт ҳодисалари кўпайиб кетмоқда. Ёки автоуловни ўйинчоқ билиб уни хайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган ёшларга қўшқўллаб топириб қўяётган ҳамюртларимиз ҳам автоҳалокатлар кўпайишига “ҳисса қўшаётир”.

Йўл қондаси – умр фойдаси, деб бежиз айтилмаган. Зеро, ҳар бир йўловчи ва хайдовчининг йўл ҳаракати қоидаларига бирдек амал қилиши қанчадан-қанча фалокатларнинг олдини олиши барчамизга маълум. Афсуски, оддий эҳтиёткорлик қоидаларига ҳам ҳар доим риоя этилавермайди. Оқибатда ҳаракат вақтида мобил телефонда гаплашиш, мусика тинглаш, маст ҳолда бошқариш, тезликни ошириш, пиёдаларнинг нотўғри ҳаракатланиши кўпгина моддий зарарлар, маънавий йўқотишларга сабаб бўлиб, инсон ҳаёти ва соғлиги учун жиддий хавф тугдирмоқда.

Йўл-транспорт ҳодисалари кўпайгани билан боғлиқ масалалар муҳокамасида маълум бўлишича, бу борада энг асосий муаммо — хайдовчи ва пиёдаларнинг билим-кўникмалари, қонунга итоаткорлик ва бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларига ўзаро ҳурмат ва муомала маданиятининг ўта пастлигида. Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жазо қўлланиляпти, лекин натижа қутилганидек эмас. Таъмирталаб йўлларни созлаш, йўл белгиларини хатловдан ўтказиш, уларни босқичма-босқич замонавий қопламали йўл белгилари билан алмаштириш борасидаги ишлар навбати билан амалга ошириляпти. Аммо салбий рақамлар кун сайин эмас, соат сайин ошмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб айтиш керакки, айни юкорида тилга олинган масала бутун кўпчилигимизни ўйлантириб, қийнаб келаётган долзарб муаммолардан бирига айланди.

КИМ АЙБДОР?

Ҳар ким эрталабдан факат эзгу ниятлар билан кўчага чиқади. Хонадон ахли бир-бирларига чин дилдан “ой бориб, омон келиш”ни талаб қолади. Бироқ айни вақтда кунда бир қанча автоҳалокатга гувоҳ бўляпмиз. Бундай кўнгилсиз воқеалик ортида не-не укубатлару йўқотишлар, не-не асабузарликлариу дилхираликлар,

не-не аламлариу калбни ўртаб юборадиган пушаймонликлар бор. Буларни тасаввур этиш қийин эмас...

Телевидение ва ижтимоий тармоқларда берилаётган кундалик хабарларга эътибор беринг, кейинги пайтларда автоҳалокат билан боғлиқ фожиавий ҳодисалар кундан-кунга кўпайиб бораётгандек туюлади кишига. Хуусан, шаҳарларда, айниқса, шаҳарлараро йўлларда бундай фожиалар кўпроқ рўй бермоқда. Янаям афсусланарли томони, содир бўлаётган аксарият йўл-транспорт ҳодисаларида турли ёшдагилар, аёллар, энг аламлисиси, ёш болалар ҳаётдан кўз юммоқда.

Авваллари кунора бир кўзимиз тушадиган йўл-транспорт ҳодисаларига бутун кунига камида икки марта шохид бўламиз. Йўл-йўлақай автомашиналарнинг ҳаракатига эътибор берганмисиз?... Гўёки бирор фалокатнинг олдини олиш учун машинасини учуриб кетаётган хайдовчилар, “Пиёдалар йўлакчаси” белгиси қаршисида машиналар оқими камайишини ҳам қутмай, бетокат йўлдан югуртилаб ўтаётган йўловчилар, ўннга ёки чапга қайрилмоқчи бўлган ҳамкасбига йўл бериш ўрнига, тинимсиз “Сигнал” чалиб, зарда қилиб кетаётганлар, қаерда камера йўқлигини ёддан билиб, шу жойларда тезликка зўр берадиган таксичиларни айтмайсизми...

Автоҳалокатнинг сабаби кўп. Бирок фожиаларга биз доимо нолийдиган йўллар эмас, балки автомашина бошқарувига ўтираётган хайдовчилар ёки эътиборсиз йўловчилар сабабчи бўлишмоқда. Юкорида таъкидлаганимиздек, хайдовчилар ва йўловчиларнинг қонунга итоаткорлик ва ўзаро ҳурмат маданияти ўта саёзлашиб кетмоқда. Бунга мисоллар талайгина. Жумладан, бир кун катта йўлдан келаётган “Жигули” автомашинаси рухсат берилган жойдан қарама-қарши томонга қайрилиб олмақчи бўлди. Хайдовчи уёқ-буёққа қаради ва газни босди, автомобиллини биринчи йўлакчага тўғрилаб олмақчи бўлган эди ҳамки, шу йўлакчадан келаётган “Нексия” русумли автомобиль унга бориб тўқнашди. Йўл четига турган эдим, автоҳалокат бўлган жойга ўтдим. “Жигули” хайдовчиси 55-60 ёшлардаги инсон экан. Машинадан тушишига ёрдам бердим. Ҳар икки гапининг бирида “Кўрмай қолдим, кўрмай қолдим” деб дир-дир калтирарди. Ҳалокат атрофига йиғилган одамлар билан йўл четига ўтказиб, ўзига келиши учун унга

сув бердик. Воқеага жуда яқин турганим учун шунинг англадим, яъни “Нексия”нинг хайдовчиси бемалол машинасини тўхтатиб қолса ёки бошқа йўлакчага буриб, ўтиб кетса бўларди, аммо хайдовчи буни атайлаб қилди.

“Нексия”нинг эгаси 20-25 ёшлардаги йигит экан. “Ука, машинангни бемалол тўхтатиб қолсанг бўлар эди-ку, нега ундай қилдинг?” десам, “Ака, бу амаки менинг йўлимга чиқиб кетди, айб унда бўлгани учун машинамни тўхтатишга ҳаракат қилмадим, энди зарарни қоплаб берадилар-да”, деди безбетларча. Хом сўт эмган бандамиз, йўлларда эса ҳаракат кўп, одам кўрмай қолиши ҳам мумкин-ку... Бу каби ҳолатларда эса қоидабузарликка атайин қоидабузарлик билан жавоб қайтариш худбинликнинг чўққиси эмасми? Афсуски, ҳозир ана шундай ҳолатлар кўпайиб кетди. Тормозни босиб, автоҳалокатнинг олдини олиш ўрнига “Мен ҳақман” дея машинасини учуриб келаверадиган хайдовчилар сони ошди.

Автоҳалокатлар сони ортишида пиёдаларнинг ҳам улуши салмоқли. Уларда ҳам кўчаларда юриш, кесиб ўтиш маданияти йил сайин ўтмаслашиб кетаяпти. Мисол учун, светофор билан бошқарилмайдиган пиёдалар ўтиш йўлакчаларида кўпича гувоҳ бўламиз, қап-қатта ақли расо одамлар ҳам автотранспорт воситалари йўлакчага 3-4 метр қолганда ҳам чиқиб келаверишади. Ахир пиёдага ҳам Яратган ақл берган, келаётган автомобилнинг тезлигини инобатга олиб, кейин йўлни кесиб ўтсалар, кун сайин йириқлашиб бораётган рақамлар ортага чекинади. Ёки айрим бефаросат пиёдалар борки, икки метр нарида турган йўлакчадан ўтмай, кўчанинг хоҳлаган жойидан ўтишади. Яна аксарият ёшларимиз бундай йўлакчаларда кулоқчин тақиб олиб, имиллаб юради. Унинг ўтишини қутиб турган турна қатор автомашиналар бундайларнинг парвойига ҳам келмайди.

Аҳамият берган бўлсангиз, ҳозирда катта-катта юк машиналари хайдовчиларининг аксарияти 20-25 ёшлардаги йигитлар. Бирор жойдан юк ортса, қаторлашиб йўлга чиқади ва бири-бири билан пойга ўйнайди. Тасаввур қилинг, бундай юк автомашиналар юкори тезликда кетаётганда тормозни мажбурий босишга тўғри келиб қолса, қанча масофагача сурилиб боради? Ёки орқа ойнасига “У” (“Ўқувчи”) белгисини қўйиб олган айрим хайдовчилар борки, автоуловни ҳали яхши бош-

кара олмади, лекин ҳаракат тигиз кўчаларда довдираб, бошқа автотранспорт воситаларининг ҳаракати хавфсизлигига раҳна солиб юради.

Яқинда бир дўстимнинг машинаси орқасидан аёл ҳайдовчи келиб урибди. Автоҳалокат бўлган жойга бордим. Дўстимнинг пешонаси ёрилган, унга "етиб олган" аёлни Аллоҳ асрабди, бирон жойи тирналмаган. Машиналар яхшигина шикастланган. "Синглим, светофорда тўхтаб турган машинани қандай кўрмаслигингиз мумкин?", деб унга мурожаат қилдим. "Ака, кечирасизлар, кўрдим, лекин машинани тўхтатиш учун тормозни босиш ўрнига газни босиб юборибман", деди. Тасаввур қилинг, тормоз босиш керак бўлган жойда газ босилса, автоҳалокатларнинг оқибати янада аянчли тус олади-ку...

Яна бир оғрикли жиҳат: ҳайдовчилик курсларини тугатаётган ёшларнинг аксарияти йўл белгиларини, ҳатто республикамиз йўлларидаги транспорт ҳаракати қайси томон қондалари бўйича амалга оширилишини ҳам билишмайди. Бу каби битирувчилар Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ҳудудий бошқармаларида ўтказиладиган имтиҳонлардан қандай ўтаётти экан?...

Кўпинча ижтимоий тармоқларда йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун тайинланган жарималарга эътирозлар билдиришади. Уларнинг баландлиги, буни тўлаш учун эса бизда аҳоли даромадларининг пастлигини иддао қилишади. Аммо улар қондабузарлик ортидан содир бўладиган автоҳалокат оқибатлари барча давлатларда ҳам бирдек аянчли эканлигини ўйлаб кўришганимиз?! Қолаверса, қандай бузмай автомобиль бошқариш мумкин. Мамлакатимизда йиллар мобайнида қандай бузмай ҳаракатланаётган ҳайдовчилар оз эмас.

КАМАЯДИ?

ХОРИЖДА АХВОЛ ҚАНДАЙ?

Албатта, йўл-транспорт ҳодисаларининг ортиб кетиши фақат бизга хос муаммо эмас, бундан бутун дунё жабр чеккан. Аҳамиятли томони шундаки, жаҳон мамлакатларида бу иллатга қарши кенг миқёсда ва катта қўламда кураш олиб борилмоқда ва оқибатда одам ҳаёти қадрига келтирилган натижаларга эришилмоқда. Биз ҳар бир хорижий мамлакатнинг яхши томонларини ўрганишимиз лозим.

Чет эл қонунчилигида асосий қондалар йўл ҳаракати қондаларини бузганларнинг қатъий жавобгарлигига қаратилиши энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Бу қондабузарликларнинг жиддийлигига қараб оғир жарималар, транспорт воситаларини мусодара қилиш, ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш каби жазо чоралари қўлланилади. Шу билан бирга, қондабузарликлар автоуловларнинг мажбурий йиллик сўғуртасига ҳам таъсир қилади. Масалан, Германияда ҳайдовчи бир йил давомида йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун жаримага тортилса, унинг келаси йилги мажбурий сўғурта суммаси икки баробарга, иккинчи мартада эса уч, учинчи марта содир этса бир неча баробарга ошади. Шу сабабли, қондабузарлар сўғуртага бир неча баравар кўп пул тўламаслик учун йил давомида автомобилдан фойдаланмасликка мажбур бўладилар.

Статистикага кўра, дунёдаги энг жиддий қондабузарликлар тезликини ошириш, маст ҳолатда ҳайдаш, қизил чироқдан ўтиш ҳисобланади. Бу ҳуқуқбузарликлар учун дунёнинг деярли барча мамлакатларида энг катта жарималар белгиланган. Белгиланган тезликдан ошиб кетиш бахтсиз ҳодисаларнинг 40 фоизигача сабаб бўларкан.

Хорижий тажриба шунини кўрсатадики, ривожланган мамлакатларда автоуловларнинг бахтсиз ҳодисаларини рўйхатга олиш ва олдини олиш тизими, биздаги мавжуд амалиётдан фарқли ўлароқ, санкцияларнинг жиддийлиги ва ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар учун жазо чораларини амалга ошириш учун яхши ишлайдиган тизим билан ажралиб туради. Хусусан, ҳайдовчиларнинг мулкий жавобгарлиги кенг бўлиб, жарималар ва транспорт воситаларини мусодара қилиш, қондабузарликларнинг сони ва жиддийлигини автоуловларни

мажбурий йиллик сўғуртаси учун тўланадиган ҳақ билан боғланади. Шунингдек, қондаларни бузганда жарималарни тўламаганлик учун транспорт воситаларини мусодара қилиш тизими жорий этилганлиги ҳам ҳайдовчилар хушёрлигини оширади.

Умуман олганда, чет элда ҳайдовчилар билан бево-сита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими билан алоқани қисқартириш тенденцияси мавжуд. Кўпинча давлатларда ҳуқуқбузарликларни қайд этиш ва кўриб чиқиш деярли электрон тизимга ўтказиб бўлинган. Бундай тизим нафақат қондабузарликларни, балки коррупциянинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яна шунини таъкидлаш керакки, хориждаги жари-ма ва жазоларнинг қаттиқлиги муаммога ижобий ечим топаётганини ишончли тарзда исботламоқда.

ЖАЗОЛАРДАН КИМЛАР НОРОЗИ?

Албатта, бундан жуда кўп қандай бузадиган ҳайдовчилар норози. Энди шу ўринда дўшпини четга қўйиб, бир ҳисоб-китоб қилайлик. Дейлик, кимдир кўчада ўзингиз ёки бирон-бир қариндошингизнинг машинаси-ни автомобилда уриб юборди (аввало Аллоҳ асрасин). Ўша инсон автоҳалокат натижасида оғир тан жароҳати олди. Яп-янги машинаси бир уюм темир-терсака ай-ланди. Энг асосийси, тирик қолди! Йўл-транспорт ҳо-дисасига сабаб бўлган ҳайдовчининг инсофи бўлса-ку, кўп-кўп. Виждони қийналиб бир-икки келар, жароҳат олган инсонга моддий-маънавий қўмак беради. Бунинг учун қонуний жазосини ҳам олар. Энди тангнинг ик-кинчи томонини ўғириб кўрайлик. Ўшанинг айби би-лан автоҳалокатга учраган инсон, дейлик, кимнингдир



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили 1,25 миллионга яқин инсон йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ҳаётдан қўз юмади, 20-50 миллион киши жароҳат олади. БМТ экспертларининг қайд этишича, йўл-транспорт ҳодисаси 15 ёшдан 29 ёшгача бўлган ёшлар ўлимнинг асосий сабабчидир.

Ўзбекистонда январь-сентябрь ойлари давомида 4294 та йўл транспорт ҳодисаси содир этилган. ИТХлар оқибатида 1293 киши ҳалок бўлган, 3886 нафари жароҳатланган.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг:
728 таси болалар,
1919 таси пиедалар,
579 таси велосипедлар,
146 таси лицензияга эга бўлмаган таксилар ва 77 таси мотоцикллар иштирокида содир этилган.

фарзанди, онаси, отаси ёки ўзи бир умр ногирон бўлиб қолса-чи?! Автоҳалокатга сабабчи бўлган шахс уни умрбод боқмайди-ку. Лекин бунинг учун давлат қонун ва ҳужжатлардан келиб чиқиб ногиронлик нафақаси тайинлайди. Қондабузар келтирган зарар бадалини энди давлат ўша шахсга умрбод тўлайди. Шундай экан, қандай буздингизми, жарима тўлашга оғринманг.

Ахир ҳар битта йўл-транспорт ҳодисаси ортида бир эмас, ўнлаб инсонлар тақдири ётади. Жабр кўрганларга, руҳий зўриқишга учраган юртдошларимизга ўз вақтида ва ҳар томонлама қўмак бериш давлат вази-фаси экан, қилар ишни қилиб жариманинг қаттиқлигидан нолиш инсофданми?...

НЕГА ЁНГАН ЮРАГИМГА СЕН ҲАМ ЗАҲАР СОЧАСАН?..

«Мening fikrim» жамоавий мурожаатлар порталига Ўзбекистонда 16 ёшдан автомобиль бошқаришга рух-

сат бериш бўйича таклиф жойлаштирилганлигидан кўпчиликнинг хабари бор.

Мазкур таклифга фикр билдиришдан аввал ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг бир маълумотини келтириб ўтаемиз: 2020 йилнинг ўтган 9 ойи давомида ҳайдовчилик гувоҳномасини олганига 2 йил бўлмаган ҳайдовчилар томонидан 612 та ИТХ содир этилган бўлиб, уларнинг оқибатида 191 нафар киши вафот этган, яна 571 нафари турли даражадаги тан жароҳатлари олган.

Агар таклиф амалга ошса, бу рақамлар бир неча бор йириклашибди аниқ. Шунинг учун ҳам бу таклифга ба-ралла «йўқ» деб жавоб берасак, ҳато қилмаган бўла-миз.

Бу таклифга ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан ҳам ўринли фикрлар билди-рилган. Жумладан, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда ҳайдовчининг йўл ҳаракати қондала-рини ўзлаштирилганлиги, тажрибаси, ёши ва маданияти жуда муҳим ўрин тутди. Таъкидлаш жоизки, 16 ёшли болаларда мактанчоқлик, олифталик каби ҳислатлар энг авжга чиққан вақт ҳисобланиши ҳамда бу ёшдаги болаларнинг транспорт воситасини ўзбошимчалик би-лан бошқариши салбий оқибатлар билан яқун топган-лиги ҳолатлари учраган. 16 ёшли бола ҳали мактаб ёки касб-хунар коллежи ўқувчиси. Айнан ушбу ёшдаги болалар ўқишини давом эттириши, бошқа ишлар билан қалғимаслиги, жағият учун фойда келтирадиган би-лимли инсонлар бўлиб ўлаётганлиги зарур. Қолаверса, 16 ёшли болаларда ҳали «Мен» деган фикр сўнмаган бўлиши, мактабнинг яхши кўриши, бунинг оқибатида эса йўл ҳаракати қондаларига амал қилмаслик, менси-маслик ёки қасддан тенгдошларига, дўстларига авто-мобилини мактабни учун йўл ҳаракати қондаларига қарши ҳаракат қилиши мумкинлиги, бу эса фожиа-ли оқибатларга сабаб бўлиши мумкин...

Биз бу фикрларга қўшилган ҳолда яна шунини таъкид-ламоқчимизки, аксар ёш ҳайдовчиларнинг маҳорати ко-никарли эмас. Ҳатто, уларнинг кўпчилиги йўл ҳаракати қондаларини ҳам яхши билмайди. Шунчаки машина ҳайдашни билиш бошқа, уни маҳорат билан бошқариш бошқа. Ёшларга машина ҳайдашни билар экан, деб ҳуж-жат бериб юбораварсак, аниқли ҳодисаларни акс этти-риб турган рақамлар янада қўпаяверади.

НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, йўл ҳаракати қои-даларини бузганларга қўриладиган чора-тадбирлар-нинг ўзи билан қўзланган максадга етишиш қийин. Йўл ҳаракати қондаларини назорат қилувчилар со-нини кўпайтириш ортидан ҳам муаммога ижобий ечим топиб бўлмайди. Бу борада таълим-тарбия ва тушунтириш ишлари олиб борилиши, кишиларнинг онгли равишда йўл ҳаракати қондаларига риоя қи-лишларига эришиш лозим. Бу эса илм-маърифат би-лангина юзага чиқади.

Юртимиз аҳолисининг катта қисмини мусулмон-лар ташкил қилади. Шундан келиб чиқиб, бу борада диний-ахлоқий таълим ва тарбия ишларидан унум-ли фойдаланиш керак. Яъни, одамларга йўл ҳаракати одобларига риоя қилиш ҳам диний бурчлардан бири эканлигини тушунтириш лозим. Ҳамортларимиз қондаларга риоя қилиб, ўзгаларнинг ҳаётига хавф солмаслик учун ҳам Аллоҳнинг ҳузурда ажр-му-қофотлар борлигини англаб етишса, ўша қондаларга чин дилдан, ҳеч бир тангликсиз амал қилади.

Яна бир таъкидланиши лозим бўлган жиҳат бор. Йўл қондасини бузган шахс жазоланади, лекин унга амал қилиб, йиллар давомида қондаларни бирор марта бузмаганларга муқофот тарикасида ҳеч қандай имтиёз берилмайди. Демак, йўлларда қондаларни бузмай, узоқ вақт давомида тартибли ҳаракат қил-ганларни рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқиш лозим.

Шунингдек, йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ рақамларда ёшларнинг ҳисаси «салмоқли» эканига эътибор қаратган ҳолда, ҳайдовчилик гувоҳ-номаси бериш ёшини бирмунча ошириш ҳам мақ-садга мувофиқ қилиши муқаррар.

Камолиддин АСҚАРОВ,
«Huuqu»

Ўқитувчилар ойлик маоши меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 15 бараваригача оширилади.



КОРРУПЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ТУШОВИ

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилояти бошқармаси томонидан “Биз коррупцияга қаршимиз” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ҳудудий бўлим ходимлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда асосий эътибор мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган кенг қўлмалли ислохотларнинг мазмун-моҳиятига қаратилди. Бу борада Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ҳамда департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар, коррупцияга қарши курашиш юзасидан мавжуд ҳуқуқий нормаларни янада тақомиллаштиришга доир чора-тадбирлар ижроси ҳақида сўз юритилди.

Давра суҳбатида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш борасида белгилаб берилган вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан,

яширин иқтисодиётга чек қўйиш, инвесторларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини яратиш, нефть-газ корхоналари харажатларини оптималлаштириш, давлат корхоналарига эгаллик стратегияси ишлаб чиқиш масалаларининг пировард мақсади коррупция илдизини қирқишга қаратилгани билан аҳамиятли эканлиги ва бу борада Департамент органлари ҳам ўз иш фаолиятини аниқ вазифалар ижросига қаратиши лозимлиги таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари бу соҳада мавжуд қонунчилик ҳамда хориж тажрибаси юзасидан соҳа мутахассисларидан ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоблар олдилар. Бу каби тадбирлар бошқарманинг шаҳар ва туман бўлимларида ҳам давом этмоқда.

Ғайратжон СУЛТАНОВ,
департаментнинг Хоразм вилояти
бошқармаси бошлиғи

ҲАЛОЛ ЯШАШГА ИМКОН БЕРИЛДИ

Тиббий кўрикдан ўтган Ж.Э. ҳарбий хизматга яроқли деб топилади. Кейинроқ туман мудофаа ишлари бўлими қақирув бўлинимаси бошлиғининг катта ёрдамчиси А.И. ноябрь ойида у ва яна икки нафар қақирлувчиларни ўзининг автомашинасида Фарғона вилояти Мудофаа ишлари бошқармасига олиб боради. Тиббий кўрикда Ж.Э.нинг қон босими юқори бўлиб чиқади...

Врачлар унга қўшимча текширувдан ўтиш далолатномасини беришади. Ж.Э. Ўзбекистон туманига қайтаётди. А.И.нинг қўл телефони рақамини сўраб олади. Келаси куни эрталаб унга қўнғироқ қилиб, далолатнома қаерда тўлдирилишини сўрайди. Катта ёрдамчи “вилоят мудофаа ишлари бошқармасида тўлдирилди, келсангиз тушунтираман”, дейди. Ж.Э. ҳарбий хизматга бормоқчилиги, шартнома асосида хизматда қолмоқчилигини айтиб, ёрдам беришни илтимос қилади. А.И. 400 доллар берса, 100 долларини вилоят бошқармасида бўладиган суҳбатга, 100 долларини ҳарбий қисмдан келадиган вақилга, 200 долларини тиббий кўрикдан ўтказувчи врачга бериб, ҳарбий хизматга жўнатиши мумкинлигини билдиради. “Аввалига 200 доллар, қолганини кейин берасиз”, дейди. Ж.Э. уйдагилар билан маслаҳатлашиб кўришини айтган.

Келаси куни эрталаб қўнғироқ қилиб, “пича қамайтиринг”, дейди. Лекин мудофаа бўлими ходими кўнмайди.

Ушбу суҳбатни “Samsung” телефони хотирасига ёзиб олган Ж.Э.нинг аризаси асосида ўтказилган тадбирда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ёнида “Дамас” автомашинасида 200 АҚШ долларини олган А.И. жиноят устида ушланди.

Судда фарибгарлик ва пора беришга ундашдан иборат жиноий қилмиши айбига тўлиқ иқроғлиги ва далиллар билан тасдиқланган мудофаа бўлими ходимининг астойдил пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, вояга етмаган фарзандлари борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги ва бошқа жиҳатлар ҳисобга олиниб, жазодан озод қилинди. Унга инсонпарварлик билан йўғрилган қонунга биноан ўқилган ҳукмдан тўғри хулоса чиқариб, бундан кейин ҳалол яшашга имкон берилди.

Нодирбек ТОЖИБОВЕВ,
департаментнинг Ўзбекистон тумани бўлими бошлиғи

600 ДОЛЛАРЛИК «ОПЕРАЦИЯ»

Назокат туман тиббиёт бирлашмаси тизимига ишга кирмоқчи бўлди. Боласи катта бўлиб қолди. Энди ишламаса бўлмас. Ахир, бир неча йил умид билан ўқиган.

Шу мақсадда у туман тиббиёт бирлашмаси саломатлик маркази ҳамшираси Қундузхон Миралиеванинг телефон рақамини излаб топишга ва у билан боғланишга муваффақ бўлди. Назокат энди ишлари юришибидан севинаятганди, саломатлик маркази ҳамшираси билан бўлган мулоқотдан кейин севинчи пуфакдек ёрилиб кетди. Сабаби ишга кириш ўзича бўлмас, мансабдор шахсларга ишга кириш учун 600 АҚШ доллари бериши лозим экан. Дабдуруст бунча пулни топиб, мансабдорларнинг “оғзи”ни мойлаш ҳар қимнинг ҳам қўлидан келавермайдими. Шунинг учун Назокат ўйланиб қолди ва ҳозирда бунча пули йўқлигини билдирди. “Шерик топиб келинг, ярим «ставка»дан иккинчизга иш бўлиб қолади”, дея маслаҳат берди Қундузхон.

Жўяли маслаҳатга ўхшаган бу йўриқдан мурожаатчи севинмади. Орадан кунлар ўтди, Қундузхон сўраган пулни топган Назокат яна уни йўқлади ва тушлик маҳали иш жойидан топди. Ҳозиргина чўнтакни тўлдирган яхлит даромад афсуски, янги эгасига буюрмади – жиноят иси ва изини пайкаган қонун ноҳисралари уни ашъвий далил билан қўлга олдилар. Олти юз долларлик “операция”нинг якуний хулосаси жиноят ишлари бўйича Марҳамат тумани суди мажлисида айтилди. Унга кўра, ўзганинг ишончинини оёқости қилиб, порага ундаган ҳамшира иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йиллик муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди.

Азизбек ҒАНИЕВ,
департаментнинг Марҳамат тумани бўлими инспектори

ЕР ЭГАСИЗ ЭМАС

Департаментнинг Қарши тумани бўлими ходимлари томонидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳамда ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилиб, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича жавобгарлик масалалари кўриб келинмоқда.

Жумладан, фуқароларнинг аризаларига кўра ўтказилган ўрганиш чоғида фуқаро Й.Ж. тумандаги “Руслан” фермер хўжалигига тегишли суғориладиган ер майдонидан 3 нафар фуқарога 11 миллион сўмдан баҳолаб, 6 сотихдан ер сотганлиги аниқланди.

Шунингдек, тумандаги “Агрофирма” массиви ҳудудидаги “Негиз Мохир” МЧЖга тегишли молхона биноси ерларнинг ҳолати ўрганилганда, бу ерда ҳам ерларни ноқонуний сотиб юбориш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланди.

Жумладан, МЧЖ ишчиси Р.А. фуқароларга ўзини ишончли вакил сифатида таништириб, фарибгарлик йўли билан 3600 м² ер майдонини 23 миллион сўмга сотиб юборди. Бундан ташқари, жамиятга тегишли собиқ молхона биноси ўрнидаги ерларни оғзаки келишувга асосан, кейинчалик ҳужжатларини расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, бир нечта фуқарога 3300 м² ер майдонини 37 миллион сўмга сотиб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қувончбек ЧОРИЕВ,
департаментнинг Қарши тумани бўлими бошлиғи

FAOLYAT

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Бўзатов тумани прокуратураси томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, шунингдек, бу борадаги ишларнинг самарали ташкил этилиши устидан таъсирчан прокурор назорати ўрнатилган.

Хусусан, бир нафар тадбиркорга 56,7 гектар ер майдони, яна бир нафар тадбиркорга ижара асосида бино ажратилиб берилди. Бундан ташқари, икки нафар тадбиркорга 85 млн. сўмлик банк кредит маблағлари ажратилишида, 3 нафар фуқаро эса тадбиркор сифатида рўйхатга олинишда кўмаклашилди. Яна 5 нафар тадбиркорнинг иш фаолиятида юзага келган тўсиқлар бартараф қилинди.

Туман ҳокимининг қонунга зид бўлган айрим ҳуқуқий ҳужжатларига протестлар келтирилди. Қонун бузилиши ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан тақдимиомалар киритилди. Икки нафар шахснинг маъму-

рий ва интизомий жавобгарлик масаласи ҳал қилиниб, бир нафар шахснинг манфаатини қўзлаб судга даъво аризаси киритилди. Ушбу тадбирлар натижасида соҳада 2 та тадбиркорлик субъектининг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Туманда фаолият кўрсатмаётган якка тартибдаги тадбиркорлар, ишлаб чиқариш ва саноат йўналишидаги корхоналар ҳамда уларда йўқотилган иш ўринларни тиклаш мақсадида солиқ идоралари билан ҳамкорликда кўмак тадбирлари амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг июнь ойи ҳолатига фаолияти вақтинча тўхтаган 15 та тадбиркорлик субъектидан


4 тасининг иши қайта тикланди ва йўқотилган иш ўринлари тикланди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давом эттириши ва ривожлантириши учун 88 млн. сўмдан ортиқ банк кредитлари ажратилди. 2020 йил июнь ойида фаолияти тўхтатилган тадбиркорлик субъектлари билан ўтказилган учрашувда К.Қурбаниязов ва Ж.Мустафаевларга банк кредитлари ажратилмаётганлиги аниқланди. Банк ходимлари билан олиб борилган мулоқотлар натижасида К.Қурбаниязовга 33 млн. сўм ва Ж.Мустафаевга 55 млн. сўм банк кредитлари ажратилишида ёрдам кўрсатилди.

Туманда хотин-қизлар, ёшлар ва кам таъминланган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, даромадлари ва турмуш даражасини изчил ошириш, туманнинг меъморий қиёфасини тубдан ўзгартириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада яхшилаш мақсадида 279 млрд. сўмлик 197 та лойиҳа бўйича 2020-2021 йилларда инвестицияларни жалб қилиш ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш белгиланган.

Туманда қизилмича илдириш экспортини амалга оширувчи “Sayat Angor”, “Mohammad Licorace Roots” ҳамда “Aslan Lakritsa” масъулияти чекланган жамиятлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Экспортёр корхоналардан “Sayat Angor” МЧЖ томонидан 53,2 минг ҳамда “Mohammad Licorace Roots” МЧЖ томонидан 12,5 минг долларлик маҳсулотлар Германия давлатига етказиб берилди.

Нурали САПАРОВ,
Бўзатов тумани прокурори



ЁЛҒОН ХАБАР БЕРГАН ШАХС ЖАЗОЛАНДИ

ҳақидаги ҳужжатлар ижроси таъминланди.

Бюронинг Қоровулбозор тумани бўлими давлат ижрочилари томонидан 2020 йил 16 май куни М.Темировга тегишли "ВАЗ 2107" русумли автомашина хатланиб, белгиланган тартибда МИБ туман бўлимига олиб кетилди. Қардор автомашина олиб кетилганлигини кўрган бўлса-да, ғараз ниятидан воз кечмади. Шу куни Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг "Ишонч телефони"га кўнғирок қилиб, автомашинаси ўғирланганлиги тўғрисида ёлгон хабар берди. Шу тариха у Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 267-моддасида кўрсатилган транспорт воситасини олиб қочиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми "а" бандида кўрсатилган жуда кўп

миқдордаги пул маблағларининг яширин равишда ўғирланганлиги бўйича ёлгон хабар йўллади.

Мазкур ҳолат юзасидан М.Темировга нисбатан ЖКнинг 237-моддаси 2-қисми "б, г" бандлари билан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят иши тергов натижасига кўра айблов ҳулосаси билан судга юборилди.

Жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор тумани судининг ҳукми билан М.Темировга иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Дилмуроджон НОРПУЛАТОВ,
МИБ Бухоро вилояти бошқармаси шўъба инспектори

ОИЛА БУТ БЎЛСА...

Мажбурий ижро бюроси суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси юзасидан қарздорликларни ундириш ишларини олиб бормоқда. Бюро ходимлари бугунги кунда савобли ишларга ҳам қўл урган.

Бюронинг Ғаллаорол тумани бўлими томонидан ажралиш ёқасида турган оилалар билан тушунтириш ишлари олиб борилиб, уларнинг яраштирилишига эришилмоқда. Ажримлар олдини олиш борасидаги ишлар ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда йўлга қўйилган.

Навбатдаги тушунтириш ишларидан сўнг Ғаллаорол туманидаги Ғафур Ғулом номи МФЙда 5 нафар фарзанди билан яшовчи Тўрасевлар оиласининг ҳам яраштирилишига эришилди.

МИБ Миробод тумани бўлими иш юритувида фуқаролик ишлари бўйича қарздор М.Турсуновдан ундирувчи Д.Турсунова фойдасига воёга етмаган икки нафар фарзанди таъминоти учун ҳамда қарздор М.Рашидовдан ундирувчи Г.Бадирия фойдасига воёга етмаган икки нафар фарзанди таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари мавжуд эди. Қарздорларнинг алиментдан бўлган қарздорлиги бугунги кунга қадар 30 млн. сўмдан ошган.

Олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида эндиликда ушбу оилаларнинг бир бутунлиги таъминланди. Ўз навбатида, фарзандлар ҳам ота-оналарининг бағрида улғаядиган бўлишди.

Акмал ЭРЖИГОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим катта инспектори


АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГ ИШИГА ҚАЙТДИ

Маълумки, амалдаги меҳнат қонунчилигига асосан меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишга тикланиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Бюронинг Андижон шаҳар бўлими иш юритувида фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2020 йил 10 августдаги даъвогар М.И. Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси 2-туғруқ комплексидаги аввалги 1.0 ставка врач акушер-гинеколог вазифасига қайта тикланиши бўйича ижро варақаси келиб тушган.

Шаҳар тиббиёт бирлашмаси 2-туғруқ комплексида Бюро ходимлари томонидан тегишли тартибда талабнома юборилиб, ижро ҳаракатлари олиб борилди. Натижада Андижон шаҳар 2-туғруқ комплекси бош шифокорининг ноқонуний бўйруғи бекор қилиниб, М.И. ўз вазифасига қайта ишга тикланди.

Нодирбек ҲАКИМОВ,
МИБ Андижон шаҳар бўлими бошлигининг ўринбосари



ФУҚАРО ФОЙДАСИГА УНДИРУВ

Бюронинг Зомин тумани бўлими иш юритувида фуқаролик ишлари бўйича Зарбдор туманлараро судининг 2020 йил 25 февраль кунги қарздор Р.Абдуллаевдан ундирувчи О.Бегматов фойдасига 36 млн. 500 минг сўм қарз ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати мавжуд эди.

Давлат ижрочисининг сазой-ҳаракатлари натижасида қарздор Р.Абдуллаевдан қарздорлик тўлиқ ундирилиши таъминланди ва пул маблағи ундирувчи О.Бегматовга тилхат асосида топширилди.

Шундан сўнг, мазкур ижро ҳужжати "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 41-моддаси 1-қисмига асосан иш юритувдан тамомланди.

Мирзакарим МИРЗАЕВ,
МИБ Зомин тумани бўлими давлат ижрочиси

5 МИЛЛАРДЛИК БОЖХОНА ТЎЛОВИ

Сурхондарё вилояти иқтисодий судининг жорий йилнинг 13 июлидаги ижро варақасига асосан "Arian Tunnel Dam Co" ЎАЖдан вилоят божхона бошқармаси фойдасига 4 млрд. 762 млн. 657 минг 861 сўм божхона тўловларини ундириш белгиланган эди.

Мазкур ижро ҳужжати юзасидан Бюронинг Денов тумани бўлими томонидан ижро ҳаракатлари олиб борилиб, жамиятга қонуни талаблари тушунтирилиб, қарздорликни қоплаш учун ихтиёрий муддат берилди.

Бу муддатда қарздорлик қопланмагандан сўнг бўлим томонидан мажбурий ижро ҳаракатларига киришилиб, ижро ҳужжати юзасидан "Arian Tunnel Dam Co" ЎАЖга хизмат кўрсатувчи банкнинг барча ҳисобрақамларига белгиланган тартибда банд солиниб, инкассо топшириқномаси юборилди.

Шундан сўнг ҳисобрақамларига банд солиниб, жамиятдан ижро ҳужжатида асосан қарздорлик тўлиқ ундириб олинди.

Қарз қоплангач, ташкilotта нисбатан қўланилган барча чеклов чоралари бекор қилиниб, ижро ҳужжати тамомланди.

Ўткир АХМЕДОВ,
МИБ Денов тумани бўлими бошлиги ўринбосари

МАСЪУЛИЯТСИЗ ОТА

Фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг ижро ҳужжатида асосан қарздор О.Ҳамроқуловдан ундирувчи Н.Зишманованинг фойдасига бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган.

Мазкур ижро ҳужжати юзасидан қарздорнинг мол-мулкани аниқлаш мақсадида тегишли давлат идораларига сўров хатлари юборилган бўлиб, унинг номига расмийлаштирилган мол-мулклар аниқланмаган.

Ижро ҳаракатлари давомида О.Ҳамроқулов бир неча марта отоҳлантиришларга қарамадан 2008 йилнинг февраль ойидан буён алимент тўламай келаётганлиги аниқланди. Натижада унинг қарзи 37 млн. 197 минг сўмга етган.

Масъулиятсиз отада қарздорлигини ундиришнинг имкони бўлмаганлиги сабабли унга нисбатан тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47(4)-моддаси 1-қисмига асосан маъмурий жавобгарлик масаласини кўриш учун Булунгур тумани маъмурий судига юборилган.

Булунгур тумани маъмурий судининг қарори билан қарздор О.Ҳамроқуловга нисбатан 15 сутка қамоқ жазоси тайинланган.

Улуғбек ЮЛДАШЕВ,
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси катта суриштирувчиси

УЙДАН АЙРИЛМАЙ ДЕБ...

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2019 йил 7 октябрь кунги жавобгар М.М. дан даъвогар Ш.О. фойдасига 48 млн. 28 минг сўм ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича эр-хотин ўртасида умумий орттирилган мулкни, яъни Қувасой шаҳар А.Азизов кўчасида жойлашган кўпқаватли уйдаги хонадонни тенг тақсимлаш кўзда тутилган эди.

Жавобгар суд жараёнида хонадон қийматининг тенг ярмини тўлаб беришни зиммасига олган. Бирок у ваъдасини бажармасдан, давлат ижрочисига кўриниш бермай қочиб юрди.

Давлат ижрочиси томонидан суд ҳужжатида кўрсатилган хонадон бўйича олди-сотди ва бошқа ҳукукий муносабатларни амалга оширишга тақиқ қўйилган. Қарздор қарзини тўлаши мавҳум бўлиб қолгани ва у мажбуриятини бажармай юргани туфайли давлат ижрочиси хонадонни онлайн савдога қўйиш чораларини кўришга киришган.

Шундан сўнггина М.М. уйдан айрилиб қолишни истамай 48 млн. 28 минг сўм қарзини бюронинг шаҳар бўлимида даъвогар, турмуш ўртоғи Ш.О.га топширди. Ижроси тўлиқ таъминланган ижро иши тамомланди.

Дониёрбек СИДДИҚОВ,
МИБ Фарғона вилояти бошқармаси катта инспектори

Мамлакатимизнинг доимий аҳолиси йил бошидан буён 477,5 мингга кўпайиб, 34 миллиондан ошди.

СЕКТОР КОТИБИ ТАМАГИРЛИК ҚИЛДИ

Нафснинг ғалабаси ҳаммавақт одамни уялтириб қўйиши аниқ. У ҳоҳ тартибсиз овқатланишдаги баднафслик, ҳоҳ бойликка ўчликдаги нафс бўлсин, қаноат чегараларини бузса, инсон жиноят кўчасига кириб бораверади.



JINOYAT VA JAZO

Мираббос Эркинов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Бухоро шаҳар ҳокимининг I-сектор котиби вазифасида ишлаб юрган кезларида одамлар турли мурожаатлар билан келишарди. Шундайлардан бири Гулнор Умидова кизи турмушидан ажрашгани ва уй-жойга муҳтожлигини айтиб ёзган аризаси сабаб у билан танишиб қолди. Телефон рақамлар алмашилди. У Гулнор Умидова билан айни уй-жой муаммосини ҳал этиш масаласида гаплашиб турди.

Сектор котиби вазифасида ишлаган кезларда аризачи аёлнинг ишончига кириб қолгани боис, Г.Умидова уни ҳожатбарор деб билди. Барча ҳужжатлар тайёрланиб, Бухоро шаҳар ҳокимлигининг уй-жой ажратиш бўлимида рўйхатдан ўтказилди. “Сизга 7-кичик тумандан албатта уй берилади”, дейилган ваъдалар ҳужжатлар билан бирга ғаладонга тушиб кетди.

М.Эркинов соғлиги ёмонлашганлиги сабабли 2019 йилнинг август ойларида касалхонада даволанишга ётганида Г.Умидова опаси Д.Умидова билан уни кўриш учун келишганида ҳам ваъда ваъдалигини айтиб қўйди.

— Мираббос ака, мана ҳужжатлар, шу иш билан ўзингиз шугулланг, — илтимос қилди Гулнор.

— Бўпти. Касалхонадан чиқай гаплашамиз, — деди М.Эркинов.

Бироз вақт ўтиб Г.Умидова унга кўнғирок килди. Телефондаги суҳбатдан сўнг 2020 йил 4 январь куни М.Эркинов опа-сингил Умидовалар билан “Чинор” кафесига кўришиб дастурхон бошида келишиб олишди. Аслида у уй-жой масаласини махсус комиссия ҳал қилишини билса-да, нафсининг гапига кириб бу ишда ёрдам бериш учун каттақонларга ҳам зиёфат бериши ва бошқа харажатлар борлигини уқитди.

— Харажатлар аслида 2000 АҚШ доллари бўлади. Мен...

— Акажон, менда бунақа пул йўқ. Шароитим кўтармайди.

— Сизлар тўғри тушунинглар, комиссияда менинг бир ўзим эмасман. Сиздан аввал рўйхатда 600-700 нафар киши бор, олдин сизга уй бераман.

Г.Умидова кейинги кун келишилганидек 1000 АҚШ долларини М.Эркиновга етказди. “Кўк”ни қўлига олиб, орзуларга берилиб тамшаниб турган қонунбузар жиноят устида қўлга олинди.

Икки нафар вояга етмаган боласи билан уй-жой масаласида қийналиб юрган аёлни чув туширмоқчи бўлган М.Эркинов қонун олдида жавоб берди.

Анвар АСАДОВ,
Бухоро вилояти прокурорининг
катта ёрдамчиси

НАФС КУРСИДАН ҚУЛАТДИ

Дилсора (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2018 йилдан тумандаги мактабгача таълим ташкилотида мудира эди. Шу йил бошида у раҳбарлик қилаётган МТТда тарбиячи ёрдамчиси лавозимига мутахассис керак бўлди. Бошқа мудираларга яхши мутахассис бўлса, ишга олишини айтди.

Бир куни тумандаги МТТ-лардан бирининг мудираси Кутбия кўнғирок қилиб, бир аёл ишга кирмоқчи эканлигини, уни юбораётганлигини айтди. Бироздан сўнг Дилсоранинг олдида бир аёл келиб, ишга кирмоқчи эканлигини айтди. Мудира аёлнинг дипломини кўрди, мутахассислиги МТТда ишлаши учун тўғри келар экан. У аёлга “ҳужжатларингизни қолдириб кетинг, ўзим хабар қиламан”, деди.

Мудирала ходимларни тўғридан-тўғри ишга қабул қилиш ваколати йўқ эди. Ишга кирмоқчи бўлган фуқаролар туман бандликка қўмаклашиш марказининг йўлланмаси билан мурожаат қилишганларидан сўнг уларни ишга қабул қилиши мумкинлигини биларди.

Шундай бўлса-да, бу аёлни юборган Кутбияга кўнғирок қилиб, ўша аёл 300 доллар берса ишга олишини айтди. Ўз навбатида Кутбия аёлга ишга киришнинг “баҳо”си 400 доллар эканлигини маълум қилди.

Орадан бир-икки кун ўтгач, мудиралар бирга тушлик қилиш учун кафега киришди. Шунда Кутбия Дилсорага ишга кирмоқчи бўлган аёл пул олиб

келганини айтди.

Дилсора қўлида ишловчи Гулгун исмли аёлга кўнғирок қилди:

— Кутбия опанинг ишхонасига боринг. Бир аёл 300 доллар беради. Кейин “Агробанк”ка бориб, синфдошим Нозимага учрашинг. Нозима долларини сўмга алмаштириб беради, — деди.

Аксига олиб ўша куни “Агробанк”да валюта алмаштириш тизими ишламаётган экан.

— Ундай бўлса пулни менга олиб келиб беринг, — деди Дилсора.

Улар кўчада учрашишди. Дилсора ундан пулни олиб кетмоқчи бўлганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан жиноят устида қўлга олинди.

Суд мудиралар — Дилсора ва Кутбияни 3 йил муддатга мактабгача таълим ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, уларга 4 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлади.

Дилшод КУБАЕВ,
Оқдарё тумани прокурори

ҚЎЙЛАРНИ БЎРИГА ИШОНМАНГ!

Бирор ишга қўл урдингизми, албатта, ҳамкорлик қилаётган инсонингизнинг кимлигини билиш муҳим. Йўқса, нопок ва ноҳолис кишиларга ҳамкор бўлиб, бор-будингиздан айрилишингиз ҳеч гап эмас.


“Хива Қорақўл” фермер хўжалиги раҳбари ҳам яхшилик қилиш илминда Д.Т.ни ишга олганига пушаймон бўлди. Муқаддам бир эмас, уч марта судланган, ўта хавфли рецидивист деб топилган Д.Т. фермернинг ишончини сунистеъмол қилди.

Ваҳоланки, фермер хўжалиги томонидан унга бошпана, егулик ҳам берилган эди. Д.Т. хўжалик меҳмонхонасида яшар экан, шукур қилиш, фермердан миннатдор бўлиш ўрнига, меҳмонхонадаги буюмларни ҳисоб-китоб қила бошлади. Уларни олиб чиқиш йўллари излади. Такси ҳайдовчиси билан танишиб, унга хизмат қилса, ойига 2 миллион сўм пул беришга келишди. Шу тарика у музлатгич ёки телевизорни тузатириш баҳонасида меҳмонхонадан олиб чиқиб кетар, Урганчдаги устонага олиб борарди. Буни қарангки, бузилган музлатгич ёки телевизорларнинг ҳеч бири қайтиб келмасди.

Фермер хўжалиги раҳбари гумонлашиб, ишчилардан ва Д.Т.дан бу ҳақда

сўраганида, у ҳеч нарса билмаслигини, ҳеч нарсдан хабари йўқлигини, на телевизор, на музлатгични кўрмаганини айтди. Фермер Д.Т.ни ишдан бўшатди. Д.Т. ўз уйига — Тошкент вилоятига қайтиб кетди. Аммо орадан кўп ўтмай, яна Урганчга келди. Мардикор ва такси ёллаб, ўзи ишлаган фермер хўжалиги меҳмонхонасига борди. Бу ердан битта музлатгич, иккита катта ва иккита кичик телевизорни олиб чиқди. Урганчга олиб келиб, Эркин ака исмли шахсга сотиб юборди ва ҳеч нарса бўлмагандек, яна ортга, Тошкентга қайтиб кетди.

Фермер хўжалиги раҳбари бу сафар ҳам уни кечиринишга ҳазм қилмади, албатта. Ҳуқуқ-тарғибот органларига мурожаат қилди. Тергов жараёнида Д.Т.нинг фермер хўжалиги меҳмонхонасидан, оз эмас, кўп эмас, 11 та телевизор, 3 та музлатгич, 1 дона тўнер ва битта DVD-плеер олганлиги аниқланди. Ўғирланган буюмлар пулга чақилганда, Д.Т. фермер хўжалигига 33 млн. 500 минг сўм зарар



етказганлиги маълум бўлди.


Букрини гўр тўғрилайди, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, Д.Т. каби виждонини сотган кимсалар ўз хатоларидан, жиноятларидан тўғри хулоса чиқара олмайдилар. Бу жаноб судда онласининг ёлғиз боқувчиси эканлигини айтиб, ўзига енгиллик сўраганига нима дейсиз? Ваҳоланки, онласи ҳақида қайгурсан одам

жиноят ва хатолардан узокроқда бўлишга, фарзандларини ҳалол едириб, ҳалол кийинтиришга ҳаракат қилмайдими?

Жиноят жазосиз қолмайди. Д.Т. ҳам суд ҳукмига қўра, тегишли жазога тортилди.

Алишер ПЎЛАТОВ,
Хива шаҳар прокуратураси терговчиси

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Баҳром Қудратов табарруқ 70 ёшни қарши олмоқда.

У прокуратура органлари тизимидаги 35 йиллик меҳнат фаолияти давомида Қашқадарё вилояти прокуратураси органларида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида ҳурмат қозонди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшу-

нос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Баҳром Қудратовнинг узок йиллик меҳнат фаолияти ҳукуматимиз ҳамда прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, "Шуҳрат" медали билан тақдирланган.

Ҳурматли Баҳром Қудратов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сийҳат-саломатлик, узок умр, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчиликлари маркази

JINOYAT VA JAZO

УЛФАТЧИЛИК ХУНРЕЗЛИК БИЛАН ТУГАДИ

Каримбой ака (исм-фамилиялар ўзгартirilган) тушга яқин одати бўйича Коля бувага кўнғироқ қилди. Ёлғиз яшайдиган буванинг икки қизи ҳам Россияда. Кичик қизи унга кўнғироқ қилиб, "Каримбой тоға, бобой билан ўзингиз хабарлашиб турунг, илтимос", деб тайинлагани учун ҳам у бу одатини қанда қилмасди.

Коля бува бир қанча "тудок"-клан кейингина гудраниб телефонга жавоб берди. Одатдагидай қариянинг тили айланмасди. Афтидан яна ичиб олган. Эртаси тонгда яна кўнғироқ қилди. Бу сафар ҳеч ким жавоб бермади. "Ухлаб қолдимикан?", ўйлади Каримбой ака. Қайта-қайта кўнғироқ қилаверди. Йўқ. Жавоб бўлмади. Хавотири ошиб, буванинг "содик" улфати Камол ҳамсоёга кўнғироқ қилди.

— Коля бувани кеча кўрдингизми, ҳамсоё?

— Ҳа, кўрувдим, — деди Камол.

— Телефонга жавоб берма-япти-ку... Бир хабар олмайсизми?

— Ҳў...

Анча пайтдан сўнг Каримбой ака яна Камолга чиқди. Камолнинг жавобини эшитиб, ҳуши бошидан учди.

— Коля бува... ҳовлисида ўлиб ётибди...

Январнинг сўнгги кунларидан бири эди. Қувват билан Камол ўша кунни сахардан Коля буванинг уйига совуқда қунишибгина кириб боришди. Эндигина ўрнидан туриб, ҳамон уйқусираётган қария Камолнинг қўлтигидаги шисани кўриб, қувониб кетди. Меҳ-



монларни дарҳол уйига таклиф этди. Учовлашиб хангомалашиб, "яримта"ни майдалашди. Сўнг тарқалишди.

Эртаси кун тонгда Каримбой ака Камолга кўнғироқ қилганида Қувват унинг олдида эди. Камолга эргашиб, қариянинг уйига борди. Ҳовлининг ўртасида кўзлари осмонга қараб ўлиб ётган Коля бувани кўриб, Қувват даҳшатдан донг қотиб қолди. Камол эса батамом ўзини йўқотиб қўйган эди. Нукул: "Мен энди нима қиламан, мендан шубҳаланишади!?", деб талмовсирарди.

Қувват унга дакки берди:

— Ўзингни бос, сен нега хавотирланасан, ким қилган бўлса, ўша жавоб беради...

Камол эса тинмай бир жумлани такрорлар эди:

— Энди мен нима қилишим керак, нима қиламан?...

Қувват унга қараб ажабланишча елка қисди. Сўнг қўшниларга хабар бергани ошқиди...

Эрталабки улфатчиликдан сўнг Камолнинг яна ичгиси келди. Оқшом пайти дўкондан яна "яримта" олди-ю, қадрдон қариянинг олдида жўнади.

Коля бува ғамхўр ҳомийсини одатдагидай кучок очиб қаршилади. Дастурхон ёзиб, топган газанини ўртага қўйди. Шиша дарҳол бўшади-ю, юмалади.

Бир пайт чол Камолни болохонадор қилиб сўка бошлади. Аччиғидан кўкариб кетган Камол шишадошини итариб юборди. Сўнг аёвсиз тепкилашга тушди...

Жиноят ишлари бўйича Косон тумани сулида сулланувчи Камол Ниёзовнинг жиноят иши кўрилди. Қайд этилишича, Камол Ниёзов 1968 йилда туғилган. Маълумоти ўрта-маҳсус, вақтинча ишсиз. Оилали, 2 нафар фарзанди бор.

Судда у дастлаб айбига иқдор бўлмасдан кечқурун Коля бувани қақриб борганини, уйда телевизор қўйилганини, аммо қария йўқ эканини, сўнг ўзининг уйига чиқиб, ичганини, буванинг ўлганини эрталаб қўлганини айтди. Кейинроқ эса жиноятини тан олишга мажбур бўлди.

Суд ҳукм қилди. Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан Камол Ниёзовга 5 йил муддатта озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Қариянинг осмонга қараганча қотиб қолган қорачиқлари қотил улфатнинг узок вақт кўз олдидан кетмаса керак...

Баҳодир ШЕРАЛИЕВ,
Косон тумани прокурорининг уринбосари

ниқоблар ортидаги табассум ҳам унга мадор бўлаётди.

У касалхонада одамнинг одамга муҳтож эканини, кўнгил-кўнгилдан сув ичишини, умр йўлларида яхши дўст, ҳамфикр ва дарддош доим зарурлигини, қибр одамийликка бегона эканини тан олди. Ўн бир кундан бери ҳеч ким йўқламаган бўлса-да, ўзи барча танишларини кўмсади. Йўтали тиниб, овози равонлашгач, телефонда кўпчилиги билан боғланиб ҳол сўраб чиқди.

...Ҳозир касалхонани тарқ этмоқда. Эҳтимол, қўчада учратса, шу ок либослиларнинг бирортасини танимас, аммо одамийликнинг ниқоблар бекитолмаган қиёфасию инсонни ўлимдан қайтаришга қодир қудрати борлигини у энди унутмайди...

ГУЛҲАЁТ

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEKKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIIRIYAT
MANZILI:

**Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.**

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85



www.huquq.uz



info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan ko'pyozmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. [t] — tijorat materiali.

Buyurtma v-4388.
15 089 nusxada bosildi.
Og'oz bichini A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: Y.HOJIYEVA
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftanang payshanba
kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston»
nashriyot matbaa ijodiy uyida
chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar,
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirishi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi
matbuot va axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam bilan
ro'yatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

HAYOT YOLLARIDA

ОДАМИЙЛИК

Ғамхўрлик, меҳр ва табассум. Бу туйғулар инсонга шунчалар зарур эканки, ўн бир кундан бери шифохонада ётиб, у бунга амин бўлди.

Ўзини доволаётган шифокору ҳамшираларнинг юзини бирор марта кўргани йўқ. Бошдан-оёқ оппоқ кийинишган, юзларида маҳсус ойна ниқоб, фақат кўзлари кўринади. Аммо у билади, дўхтирлар доим беморларга табассум улашади. Баъзан аҳоли оғирлаша бошласа, хавотир ёки хотиржамлик борми, дея шифокорларнинг кўзларига диққат билан тикилади, иллаганлари эса унга таъсир этмай қолмайди...

— Кучли экансиз! Тузалдингиз! Бугун уйга жавоб!

Тўғри, у кучсизмас, аммо шу пайтгача бировга ёрдами бермаган, муҳтожликдан оғир аҳволда қолганларга заррача ачинамаган. Негадир табассумли чехра унинг ғашини келтирарди. Эҳ, бу дард уни не қўйга солмади: кучидан, ишончидан, умиддан бирдек айрилди-қолди, ҳатто табассумни соғинапти. Баралла кўринмаса-да,

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида "Ислом энциклопедияси" нашрининг янгидан тайёрланган биринчи жилди тақдироти бўлиб ўтди.

29-ОКТАБР 2020-Ҳ.

HUQUQ № 48

(1240)

11

ПЕРРОНДАГИ АЁЛ НЕГА БЎЗЛАДИ?

Пешинда Урганчдан чиққан поезд эрталаб саҳарда Тошкент жанубий темир йўл вокзалида тўхтади. Ёнимда ёш болаларим борлиги боис тезроқ чиқишга уринмасдан, шошилмай, эшик томон илгарилар бошладик. Ёрдамга шай инсонлар кўп, бирови қизимни кўтариб поезддан тушириб қўйди, яна бир йигит жомадонимга қўл чўзди. Мамнун бўлдим. Вокзал перронидан шаҳарга чиқадиغان дарвоза томон борарканман, бир аёлнинг чинқирғидан чўчиб тушдим. Гуррос-гуррос кетаётган оломон ҳам таққа тўхтади.

– Болажоним! Бобуржоон!!! Қаерда-сан?!

Бейхитёр бўзлаётган аёл томон юрдим. Аёлни ёнида ногиронлар аравачаси, унда ҳеч ким йўқ. Ўтган-қайтгандан телбаларча боласини сўради:

– Боламни кўрмадингизми? Бобуржонимни! Олти ёшда. Юрломайди. Кўк курткада...

Айтишича, боласини худди шу ерга, 16-вагоннинг рўпарасига сумкалари билан бирга қолдириб, ўзи бошқа юклари ва қизини олгану вокзал худудидан ташқарига чиқариб қайтган. Келса, ўгли йўқ. Тумонат одам орасида болани излаб изилларди шўрлик она. Шу пайт қутилмаган воқеа юз берди. Махсус форма кийган темир йўл ишчиси югуриб келиб, аёлни тинчлантирди:

– Опа, болангиз ва юкларингизни мен ташқарига олиб чиққандим. Сизга айтмоқчи эдим, ортингиздан етолмадим. Ёрдам берай дегандим-да. Болаларингизнинг иккиси ҳам ҳалигидек... юрломаслигини қўриб раҳим келди. Ўғлингиз ҳозир қизингизнинг ёнида...

Аёл бирдан бўшади, аравачага ўтириб қолди. Қафлари билан оғзини маҳкам тўсганча, унсиз йилларди у... Кейин дарҳол ўзига келди-да, қаддини ростлади, дадил қадам ташлаб, аравачани олдинга сурганча юриб кетди. Биз ҳам ташқарига йўналдик. Вокзал дарвозасидан чиққач, яна унга кўзим тушди. Аниқроғи, уни одамлар орасидан нигоҳларим билан излай-излай зўрга топдим: аёл автобуслар тўхтайдиган ерда, асфальтга мук тушган иккала мажруҳ боласини маҳкам бағрига босганча дир-дир титгарди...

Унинг ақлинига бориб, қай томонга кетишини сўрадим. Йўлларимиз тескари бўлса-да, биз ҳам у айтган тарафга бораётирмиз, дедим ва такси ушладим. Аёлни 12 ёш қизи ҳам, 6 яшар Бобуржон ҳам неврал амиотрофия касаллигидан оғришаркан. Нега иккалеси ҳам?

– Турмуш ўртоғим билан қариндошимиз, – дея юрганини оча бошлади аёл. – Ака-синглининг фарзандларимиз. Бу бўлмайдиган савдо, дейишнингга қарамай катталар қаттиқ туришди. Мана оқибати – 3 нафар боланинг бари ногирон. Ҳомиладорлик яхши ўтади, соғлом туғилишди, юра бошлашди, аммо 3-4 ёшга етишганида қўл-оёқлари майишиб кета бошлайди. Ҳар икки-уч ойда Тошкентга келамиз. Тузалиб кетишларига умид йўқ, аммо бундан оғирлашиб, тўшакка михланишларидан оғчиймиз. Тўнғичимизни махсус мактабга топширдик. Ўқишлари яхши. Айниқса, физикага жуда қизиқади.

Аёлни кўзлари порлади. Боласининг қизиқиши, ютуқлари унинг куйик юрагига таскин эди гўё. Она-болалар Қорақамнида қолишди. Мен эса шаҳарнинг бутунлай бошқа томонидаги уйимга етиб келгунимча уларни ўйлаб кетдим. Тушунмайман, нима учун айримлар жойиларча йўл тутишаркан? Қавму қариндошлар ўртасидаги никоҳ хавфлиги тинмай тарғиб этилаётган бўлса-да, нега улар парво қилишмайди? Тўғри, қуда бўлгу-

чиларнинг ниятлари қора бўлмагандир, аммо мана шу аёл ҳам ҳамма қатори бахтли яшагга ҳақли эмасмиди?! Нима учун беғуноҳ гўдаклар ва оналар бир умр бировларнинг қалтабинлиги жабрини тортишлари керак?!

Шу ўринда ажодлари – бобо ва бувлари умумий бўлган эр-хотинлар никоҳи ҳақида тўхталиш жоиз. Бундай никоҳда ота-оналар соғлом бўлсалар-да, фарзандлар ирсий касаллик билан туғилиш хавфи юқори бўлади. Бунга сабаб не?

– Ирсий ва туғма касалликлар ҳақида гап кетганда юртимизда ҳозирги кунда икита касаллик оммавий равишда скрининг қилинади: булар кенг тарқалган туғма гепатиреоз касаллиги, иккинчиси фенилкетонурия касаллигидир, – дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти, тиббий генетика кафедраси ассистенти, олий тоифали шифокор Мухаммадjon Босимов. – Ҳозирги кунда инсонда 35 мингта ген аниқланган. Шулардан 7 мингта касаллик генлари ҳисобланади. Бу касаллик генларининг барчаси бир инсонда учрамайди, битта ёки иккитаси учрайди. Биз ана шу генларни бир неча авлод кўринишида наслимизда бериб борамиз. Генетика фанида инбрид никоҳлар деган тушунча бор. Бу қариндошлар ўртасидаги никоҳга нисбатан айтилади. Бундан 200-300 йиллар муқаддам инсоният маълум бир ҳудудда яшаган, яқин атрофдагилар билан оила қурган. Айнан қариндошлар ўртасидаги никоҳ юқоридаги каби касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Чунки уларнинг ажлоди битта одам. Ундан тарқалган битта касаллик, қариндошларда ҳам бор. Улар бир-бири билан турмуш курса, касаллик уларнинг фарзандларида пайдо бўлаверади.

Генетик шифокорнинг таъкидлашича, ирсий касалликлар бошқа соматик касалликларга қараганда оғир кечади. Доимий ногиронликка ёки боланинг ўлимга сабаб бўлади. Баъзи ирсий касалликлар борки, улар болада 3-4 ёшда пайдо бўлади, 14-15 ёшга бориб бола ҳатто ўрнидан ҳам тура олмай қолади. Худди перрондаги аёлнинг жигарбандлари каби...

– Бу ҳолатларни одамларга тушунтирсак, улар тушунишни истамайди, ўзларининг насллари тоза эканлигини исботлашга ҳаракат қилишди, – дейди М.Босимов. – Аммо бу нарсалар мутахассислар томонидан аниқланганидан ҳолатлар ҳисобланади.

Қолаверса, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан туғилган болаларда ногиронлик бирида бўлмаса бошқа авлодда тақдорлангани мумкин. Қариндошлик қанча яқин бўлса, касаллик пайдо бўлиш эҳтимоли шунча кучлидир. Шундай экан, фарзандларимизни, наслимизни, миллатимиз генофондини асраб-авайлайлик. Ҳеч ким перронда бўзлаган аёл ҳолига тушмасин...

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
«Нидиқ»



Ўтган йили ҳайдовчилик курсида таҳсил олган аёл Люба исмли дугонасига бир йил давомида ўзининг жуфти ҳалолига турмушга чиқишини таклиф қилган. Бу ҳам камлик қилгандек, дугонасидан 400 АҚШ доллари олиб, қарз эвазига турмуш ўртоғини "инъом" қилган.

...Ғира-шира тонг. Катта тезликда кишлоқ кўчалари оралаб келаётган автомашина ҳашаматли дарвоза ёнида тўхтади. Шаҳд билан машинадан тушган аёл орқа-олдига қарамадан: "Ким бор. Уйдалигингизни биламан. Дарвозани очинг!", деганча дарвозани тақиллата бошлади.

Тўрт фарзандини олиб турмуш ўртоғидан сўрамадан ота уйига кетиб қолган рафикасининг қилган ишини ҳазм қилолмаган оила бошлиғи икки кундирки уйку нималигини билмайдди. Қанча кўнгирок қилмасини аёли билан гаплашолмади. "Қаерга кетишди экан? Нега кетишди ўзи? Наҳотки бир оғиз сўрамадан, ҳеч нарса демасдан кетиш мумкин бўлса. Ёки бирор қор-ҳол бўлдимкан. Йўқ-йўқ бирор гап бўлса дарров хабар топишни керак-ку. Қаерда бўлиши мумкин..." Узундан-узоқ ҳаёлларга берилган Софдил кимдир қақираётганини эшитибок кўчага отилди...

Эшикдан ўқдек отилиб қирган аёли "Мен сиз билан ортиқ яшайман. Фарзандларим билан Самарқандда ота-онамнинг уйида яшайман. Зудлик билан юк машина қақириб беринг! Ҳозирок нарсаларимни олиб кетаман", деганча буюмларини йиға бошлади. Софдилнинг "Нима бўлди ўзи? Нега кетяпсиз? Болалар қани? Кетишингиз сабабини тушунириб беринг?" каби саволлари ҳавога учди. "Қақирмасангиз ўзим қақираман", деганча аёл кимгадир кўнгирок қилди...

Саволларига жавоб ололмаган Софдил зудлик билан етиб келган юк машинасига уйдаги барча жиҳозлар, мебелдан тортиб эскириб қолган супургигача ортган аёлини умуман тушунмади. Сигма буюмларни кўни-қўшнларга тез фурсатда сотган аёл машинага ўтири-ю, 18 йиллик турмушини "пуч"га чиқариб кетди.

Шеробод туманида бўлган бу воқеа барчани хайратга солди. Наҳотки, ўзбек аёли ўз турмуш ўртоғини дугонасига сотиб кетса-я...

– Тўғриси айтсам, бу воқеага гувоҳ бўлганим учун ишонмасдан иложим йўқ, – дейди Шеробод тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари, туман ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Мухаббат Чориева. – Ўзбек аёлидаги садокат, вафо, сабр-тоқату нафосат хис-

латларини унутган самарқандлик келин гулдек оиласини нафс йўлида қурбон қилди. Аёлни боилликка ўчлиги, орзу-хаваси қўли бўлгани оиласининг барбод бўлишига олиб келди. Қалтабинлик оқибатида фарзандларини отасиз улғайишга маҳкум қилган аёлдан ҳеч нарса умид қилиб бўлмайди. Тор дунёқараш билан бу аёл тўрт фарзанднинг тарбиясига қай даражада ёндашади. Унинг тарбиясидаги фарзандлардан келажақда нимадир умид қилиш мумкинмикин?! Қонуний ажрашмасдан туриб, қайно-та-қайнонасига тегишли буюмларни ҳам олиб кетгани, энг ачинарлиси, дугонасига турмуш ўртоғини 400 долларга сотганини қайси қолига сиздириш мумкин?

Воқеа юзасидан тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида қайнона-келиндар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди.

– Қонуний ажримсиз мол-мулк талашган, ҳеч кимнинг рухсатисиз, иштирокисиз ўзгаларга тегишли нарсаларни сотган, қолганини олиб кетган аёлдан ҳеч нарса кутиб бўлмайди. Наҳотки, ўзбек аёли турмуш ўртоғига нисбатан шундай ҳаётни раво кўрса, – дейди тумандаги "Ғалағузлар" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Обиджон Валиев.

Шу ўринда савол туғилади. Наҳотки, аёлни ота-онаси, қариндош-уруғи бу ишларга бепарво қараб турган бўлса? Тўрт фарзанд билан бу аёл ҳозирги кунда кимнинг уйига сиғиди? Ота тарбиясига муҳтож фарзандлар эрта бир кун катталарни кечирармикан?! Нима бўлганда ҳам, фарзандларнинг келажаги учун ота-она бирдек масъул. Айниқса, оталарнинг ўрни бекиёс.

– Қизим ҳам, қуёвим ҳам маслаҳат оладиган ёшда эмас, маслаҳат берадиган, кишиларга йўл-йўриқ кўрсатадиган ёшда, – дейди келиннинг онаси. – Қизим шу қарорга келган бўлса, мен нима ҳам дердим. Турмуш ўртоғисиз тўрт фарзандни боқишга, тарбиялашга қўзи етгандирки, ажрашишга қарор қилган. Оиланинг мустаҳкамлиги, фарзандлар тарбиясига кўпроқ эътибор бериш эркакнинг вазифаси эканлигини қуёвим англаб етганда эди, бундай бўлмасди.

Нигина ШОЕВА,
журналист